Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47-йил чиқиши

№ 290 (13.246).

1965 ДЕКАБРЬ 12 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

СССР матлубот кооперацияси картошка, сабзавот, мева, тухум ва жун харид қилиш юзасидан белгиланган планни муваффақиятли бажарди.

Кооператорлар КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, 1966 йилда картошка, сабзавот, мева ва чорвачилик маҳсулотлари харид қилишни уюшқоқлик билан ўтказишга актив тайёргарлик кўрмоқдалар.

●

Мастер Отамирза Исмоилов раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари съезд олди мусобақасида пешқадамликни қўлдан бермаётирлар. Ҳ. Камолов, С. Исмоилов, А. Каримов, Б. Полвонова каби ишчилар ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрламоқдалар.

Наманган макарон-кондитер фабрикасида илғорлар сафи кенгайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш йил сайин кўпаймоқда. Макарон тайёрлаш ўтган йилдагига қараганда 900 тонна ортди. Ун бир ойда планга қўшимча 73 тонна маҳсулот тайёрланди. Макаронларни пресслаш ва қуритиш камералари кенгайтирилди. Ярим автомат машиналар ишга туширилди. Парварда ишлаб чиқариш поток линия усулига кўчирилди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

●

Фарғона пиллакашлик фабрикаси коллективи маҳсулот сифатини муттасил яхшилаб боряпти. Пиллакашлар кейинги ойларда белгиланганига нисбатан 15 процент ортиқ биринчи сортли маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Ун бир ойлик план барвақт адо этилди. Пландан ташқари 135 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. 22 тонна хом ашё, 77 тонна ёқилғи тежалди.

Ноябрь ойи топшириғи 26 кунда адо этилди. Тўқимачилик корхоналарига 16,7 минг сўмлик маҳсулот жўнатилди. Уртоқ И. Ивашченко бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси сифатли маҳсулот тайёрлаш ва хом ашёни тежаб-тергаб сарфлашда алоҳида ибрат кўрсатмоқда.

Т. ҲАМИДОВ.

●

Ленинград район колхозлараро қурилиш ташкилотининг бинокорлари йиллиқ планни икки ой илгари бажардилар. Улар партия XXIII съезди шарафига олган мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Йил бошидан буён 45 объект фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларини механизациялаш натижасида 5.300 сўм, материалларни тежаб-тергаб сарфлаш йўли билан 31 минг сўм иқтисод қилинди.

Н. Пан ва М. Шообидов ўртоқлар бошлиқ прораблик участкаларининг коллективлари қишлоқларни ободонлаштиришда алоҳида ўрнак кўрсатаётирлар.

Т. МАҲМУДОВ.

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ БУЮК ОДИМИ

1966 ЙИЛГИ ПЛАН ВА БЮДЖЕТ

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ва СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг социалистик Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлашга қаратилган қарорларини барча совет кишилари чуқур маънуният билан кутиб олдилар.

Давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига доир энг муҳим масалалар юзасидан СССР Олий Совети қабул қилган қонунлар ва қарорлар кеча «Правда»да эълон қилинди. Давлат ҳокимияти олий органининг қарорлари бутун совет халқининг муддаоларини ва хоҳиш-иродасини ифода этмоқда. Тинч ҳаётувчилик меҳнати билан машғул бўлган совет халқи экономика ва маданиятни бутун чоралар билан ривожлантириш учун, коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ яратиш учун куч-ғайратларини аямасдан сарфламоқда.

СССР Олий Советининг тамом бўлган сессияси етти йиллик сўнгги йилининг дастлабки якунларини тўплади ҳамда янги беш йилликнинг биринчи йили бўлган 1966 йилги программани белгилаб берди.

Маълумки, 1965 йилги планни тасдиқлаш вақтида ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини ошириш ҳамда совет халқининг фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган бир қанча муҳим тадбирларни ўтказмоқ учун қўшимча ресурсларни қидириб топиш зарур, деган фикрга келинган эди. Йилнинг дастлабки якунлари планда кўрсатилган асосий топшириқлар умуман мамлакат бўйича ҳам, шунингдек барча иттифоқдош республикалар томонидан ҳам муваффақиятли бажарилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Ишчилар, инженерлар, техниклар, хизматчилар илҳом билан қилаётган меҳнати туфайли, саноатимиз мана шу йил ичида олға қараб катта қадам ташлади. Саноат ялпи маҳсулотининг ҳақиқий ўсиши 8,5 процентни ташкил этди, яъни планда мўлжалланганидан кўпроқ бўлди. Колхоз ва совхозларнинг меҳнатчашлари ноқулай об-ҳаво шароитларини фидокорлик билан енгдилар. Натижада қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти серҳосил 1964 йилдагидан гарчи бирмунча камроқ бўлса-да, лекин бошқа ҳар қандай йилда эришилган даражадан ошиб кетади. Совет кишиларининг фаровонлиги узлуксиз юксалмоқда.

СССР Олий Совети томонидан тасдиқланган 1966 йилги план билан бюджет хўжалик ва маданий қурилишнинг кенг истиқболларини очиб беради. Сессиядан олдин план лойиҳаси КПСС Марказий Комитети Президиумн ва СССР Министрлар Советида, шундан кейин эса, партия Марказий Комитетининг декабрь Пленумида атрофлича муҳокама қилиб кўрилди. План топшириқлари социалистик хўжаликни бошқаришнинг методлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумлари ишлаб берган янги, тамомила муҳим қоидаларга асосланган ҳолда, тузиб чиқилди ва аниқлаб олинди. Шу сабабдан бизнинг халқ хўжалик планимиз мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, халқ маданияти ва фаровонлигини янада юксалтириш, Совет давлати мудофаа қудратини янада кучайтиришнинг илмий жиҳатдан асосланган программасидир.

Саноат ялпи маҳсулоти 6,7 процент оширилмоғи керак. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш 6,9 процент, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш эса 6 процент кўпайтирилади. Саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари бу йил олинадиган қишлоқ хўжалик хом ашёси ресурсларини, шунингдек 1966 йилда иш вақти фонди бирмунча камроқ бўлишини ҳисобга олган ҳолда белгиланди.

Келгуси йил — саноатни бошқаришнинг янги формаларига ўтиш йилидир. Саноат ишлаб чиқаришини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методларини жорий этиш йўлида жиддий қадам қўйиш лозим бўлиб турибди. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларининг амалда турмушга татбиқ этилиши индустриялиз ходимларига ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини топиш ва ишга солиш имконини беради. Бу эса, саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўстиришнинг планда мўлжалланган суръати анча ошириб юборилади, деб умид қилиш учун дастак бўла олади.

Саноатни ривожлантириш учун ажратилган капитал маблағлар, биринчи галда, ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантиришга ҳамда ишга туширилаётган объектларни қуриб битказишга сарфланади. Шу билан бирга, электроэнергетиканн, машинасозлик ва металл ишлашни, химия саноатини, приборсозликни ва саноатнинг халқ хўжалигида техника тараққиётини таъминлайдиган бошқа тармоқларини ғоят тез ривожлантириш назарда тутилган.

Енгил саноатига, қора металлургияга ва бинокорлик материаллари саноатига жиддий эътибор берилди. Бироқ, ишлаб чиқаришнинг белгиланган миқёсларини назарга олганда ҳам, мамлакатнинг Европа қисмидаги районлар учун металл ва қувурлар, айрим турдаги нефть маҳсулотлари, шунингдек кўмир баланси зўрга учма-уч келадиганга ўхшаб турибди. Бу эса, ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтириш ва бу маҳсулотлардан тежаб-тергаб фойдаланиш йўлларини қидириб топиш мажбуриятини юкламоқда.

1966 йилда енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга кўплаб маблағ берилади. Газлама, кийим-кечак, пойафзал ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш талай даражада кўпайтирилади. Холодильниклар, кир ювиш машиналари, телевизорлар, радиоприёмниклар ва бошқа маданий-рўзғор молларини ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди. Қишлоқ хўжалик хом ашёси масаласида маълум тангликлар борлигига қарамай, ҳукумат энг муҳим озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хилларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш чораларини кўриб қўйди.

1966 йилги план билан бюджет қабул қилинди. Ҳаракатларнинг пухта программаси берилди, халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги меҳнаткашларнинг вазифалари белгилаб қўйилди. Эндиликда асосий вазифа шундан иборатки, ҳар бир иттифоқдош республика, ҳар бир министрлик, бошқарма, корхона, ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир қурилиш умумий талабларга асосланиб, 1965 йили планни муваффақиятли адо этишга ҳамда келгуси йилнинг дастлабки кунлариданоқ юксан даражада унумли ишлаш учун ҳар тарафлама тайёргарлик кўришга қаратилган конкрет ташкилий-техникавий тадбирларни белгилаб олмоқлари керак.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари 1966 йилги план ва бюджетнинг аҳамиятини меҳнаткашларга кенг равишда тушунтиришга, оммани белгиланган топшириқларни тўла ва ошириб бажариш учун сафарбар этишга даъват қилингандирлар. Бунинг учун бизда ҳамма шарт-шароитлар бор. КПССнинг бўлажак XXIII съезди шарафига мамлакатда кенг кўламда тайёргарлик олиб борилмоқда. Партия съездн шарафига меҳнат ғайрати ошиб бормоқда, умумхалқ мусобақаси кенг қулоч ёзмоқда. АНА ШУ ҚУДРАТЛИ КУТАРИНКИЛИККА БОШЧИЛИК ҚИЛИШ, МИЛЛИОН-МИЛЛИОН ОММАНИНГ ИЖОДИЙ ТАШАББУСИНИ КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШГА ЙУНАЛТИРИШ — БАРЧА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЭНГ МУҲИМ БУРЧИДИР.

(11 декабрдаги бош мақола).

СССР Олий Совети еттинчи сессиясининг мамлакатимиз халқ хўжалигини янада юксалтиришга қаратилган тадбирлари республикамиз меҳнат аҳлини янги-янги зафарларга илҳомлантирмоқда.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

СССР Олий Советининг сессияси ҳаётий муҳим масалаларни муҳокама қилди. Давлат бюджети ҳамда халқ хўжалигини ривожлантириш плани юзасидан қабул қилинган қарорлар мамлакатимиз меҳнаткашларининг манфаатини кўзламоқда. Биз сессия ҳужжатларини қунт билан ўрганмоқдамиз ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан бир қатор тадбирлар белгилаб, уларни амалга оширишни учун астойдил курашмоқдамиз.

Бу йилги ютуқларимиз айниқса қувонарли бўлганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Сут сотиш йиллик планини 11 ойда бажардик. Ўтган йилдагига нисбатан давлатга 760 центнер кўп гўшт топширдик. Бу йил қар 100 сигирдан 105 тадан бузоқ олинишига эришдик.

Сессия қарорларидан руҳланган чорвадорларимиз кучга куч, ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилишяпти. Мен ўз боқувимдаги 17 бош жайдари сигирнинг ҳар биридан 1100 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олиб, топшириқни аллақачонлар бажариб қўйганман. Сут мўл-кўллиги учун социалистик мусобақага қўшилиб сигирларни рацион асосида парвариш қиляпман. Колхозимизда бу мусобақага қўшилмаган бирорта чорвадорни топломайсиз.

Донохол МУҲАММАДИЕВА,
Ургут районидаги Охунбобоев номли колхоз сут соғувчиси, Самарқанд область Советининг депутати.



ТОШКЕНТ. Ўзбекистон трактор-йиғув заводининг коллективи СССР Олий Советининг еттинчи сессияси ишини зўр иштиёқ билан кузатиб турди. Улар шу кунларда ҳам сессия материалларини қунт билан ўрганмоқдалар. Суратда: асбобсозлик коммунистик меҳнат цехида сессия материалларини муҳокама қилиш пайти.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАЙМИЗ

Корхонамизнинг ишчи ва инженер-техник ходимлари СССР Олий Советининг еттинчи сессияси материалларини ифтихор ва қувонч билан ўрганмоқдалар. Бутун мамлакат экономикаси сингари Ўзбекистонимиз халқ хўжалиги ҳам келгуси беш йилликда янада равнақ топади. Индустриянинг етакчи тармоқлари бўлган энергетика, рангли металлургия ва газ саноати тез суръатлар билан ривожлантирилади. Республикамиз конларидан нефть қазиб олиш ҳам анча кўпаяди.

Сессияда ишлаб чиқилган тадбирларни амалга оширишга заводимиз меҳнат аҳли ҳам баракали ҳисса қўшиш ниятида. 1965 йилни яхши кўрсаткичлар билан якунламоқдамиз. Кўпгина коллективлар етти йиллик топшириғини муддатидан илгари бажардилар.

Заводимиз аҳли сессия қарорларидан руҳланиб, планларни ошириб бажариш, аъло сифатли маҳсулот тайёрлаш учун курашмоқда.

Маҳмуд КАРИМОВ,
Олтинариқ нефтни қайта ишлаш заводи операторининг ёрдамчиси.

ҚУВОНЧИМИЗ ЧЕКСИЗ

Бир ёш мутахассис сифатида СССР Олий Советининг VII сессияси материаллари менинг ҳам ғайратимга-ғайрат, қувончимга-қувонч қўшди. Сессия мамлакатимиз халқ хўжалигини гуркираб ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқди. 1966 йилда республикамизда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми бу йилгига қараганда 10,2 процент кўпайтирилиши биз, мутахассислардан ташаббус кўрсатиб, ижодий меҳнат қилишни талаб этади.

Биз ҳозир Навоий химия комбинатининг иккинчи навбат қурилишини қўлдан чиқармоқдамиз. Сув, буғ, газ қабул қилиш хамда узатиш объектлари қуриб битказилди. Яна бир қатор муҳим объектлар тахт қилиб қўйилди. Корхонанинг иккинчи навбат қурилиши тугаллангач, қишлоқ хўжалигимиз учун зарур бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқариш тағин ҳам кўпаяди. Айни вақтда корхонада сунъий тола ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Мутахассисларнинг ҳисоблашларича, корхонамизда йилига бир неча минг тонна миқдорда сифатли сунъий тола ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Халқ хўжалигини ривожлантириш, эл-юрт фаровонлигини яна ҳам кўтариш соҳасида партия ва ҳукуматимиз ишлаб чиқан тадбирларни амалга оширишда комбинатимизнинг барча меҳнаткашлари қатори мен ҳам фаол қатнашаман. Янги беш йиллик топшириқларини бажариш учун куч-билимимни аямайман.

Ш. АЗИМОВ,
Навоий химия комбинатининг инженери.

Мордва АССР Ленин ордени билан мукофотланди

Халқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар учун СССР Олий Совети Президиуми Мордва Автоном Совет Социалистик Республикасини Ленин ордени билан мукофотлади.

(ТАСС).

«КОСМОС-99» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1965 йил 10 декабрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-99» учирилди. Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди:

— Бошланғич айланиш даври 89,6 минут;

— ер сатҳидан максимал узоқлашув (апогейда) — 320 километр;

— Ер сатҳидан минимал узоқлашув (перигейда) — 199 километр;

Орбитанинг оғиши 65 градус.

Йўлдош ичида илмий аппаратлардан ташқари 19,995 мегагерц частотада ишловчи радиопередатчик; орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радио система; приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисида ерга маълумот бериб турадиган радио телеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координацялаш — ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

ИСТИҚБОЛ КЎЗГУСИ

Мамлакатимиз ҳокимиятининг олий органи — СССР Олий Советининг ўз ишини тамомлаган сессияси жуда муҳим қарорлар қабул қилди.

Сессияда пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати ва эришган оламшумул ғалабаси ҳақида ҳам илиқ сўзлар айтилди. Ўзбекистон бу йил давлатга 3 миллион 900 минг тонна «оқ олтин» берди. Бунчалик кўп пахта илгари ҳеч қачон тайёрланмаган эди. Ана шу ажойиб ғалабада колхозимиз аъзоларининг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор. Бу йил деҳқонларимиз 2500 гектар майдонда пахта етиштирдилар.

Ғаллакорларимиз, чорвадорларимиз ҳам яхши меҳнат қилишди ва тузук натижаларга эришишди.

Колхозимиз аъзолари сессия қарорларини катта қониқиш ва хурсандчилик билан қарши олдилар. Улар келгуси йили пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга қарор қилдилар. Шу мақсадда мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Пахта ерлари сифатли шудгор қилиняпти. Далага кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Бошқа кузги-қишки тадбирлар ҳам мукаммал амалга оширилмоқда. Пахтакорларимиз, чорвадорларимиз, ғаллакорларимиз келгуси йили янада катта муваффақиятларга эришиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Х. НОСИРОВ,
Жиззах районидаги «Москва» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЎЗБЕКИСТОН ШОЛИКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, яна бир катта ғалабани қўлга киритдилар — шоли сотиш давлат йиллик план-закази 11 декабрда муддатидан олдин 100,1 процент бажарилди.

Ватан омборларига 67057 тонна ана шу қимматли озиқ-овқат дони тўкилди. Бу эса ўтган йилнинг шу вақтигача тайёрланган шолидан қарийб 14 минг тонна кўпдир. Республика илгари бундай миқдордаги шолини ҳеч қачон тайёрламаган эди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг бу муваффақияти иқтисодий жиҳатдан асосланган планлаштириш, маҳсулот тайёрлашнинг қатъий планлари ўрнатилганлиги, моддий рағбатлантириш хўжаликларнинг экономикасини юксалтиришнинг, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотишни кўпайтиришнинг қудратли воситаси бўлиб қолганлигини кўрсатиб турибди.

Бу йил сув танқис бўлган оғир шароитда шоли етиштирилди. Лекин шоликорларнинг зўр меҳнати, сувдан, агротехниканинг илғор методларидан моҳирлик билан фойдаланиш, сермеҳнат процесслари механизациялаштириш ҳар гектар ердан 22,5 центнер шоли олиш имконини берди.

Сирдарё областининг қўриқ ерларидаги шоликорлар айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. Улар ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 30,3 центнер хирмон кўтардилар ва давлатнинг план-заказини 132 процент бажардилар. Тошкент областидаги хўжаликларда шолининг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 25,7 центнер бўлди, план эса 114 процент бажарилди.

Тайёрлаш пунктларига 25 минг тоннага яқин шоли топширган Қорақалпоғистон АССР шоликорлари катта ҳисса қўшдилар. Қорақалпоғистон топширган шоли бутун республика ялпи ҳосилининг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этади. Кейинги йилларда бу Автоном республика Ўзбекистонда энг йирик шоликорлик райони бўлиб қолди. Хоразм областининг шоликорлари давлатга 10 минг тоннага яқин шоли сотдилар.

Ўзбекистонда шоликорлик асосан кейинги уч йил ичида ривож топди. Шу вақт ичида шолининг ялпи ҳосили қарийб уч баравар кўпайди. Айниқса Амударё ва Сирдарё этакларида ихтисослаштирилган янги совхозлар ташкил қилинганлиги, шоли харид нархларининг оширилганлиги, давлатнинг совхозларга катта енгилликлар берганлиги туфайли, шоликорларнинг моддий манфаатдорлиги ошганлиги сабабли ана шундай юксалишга эришилди.

Чимбой, Сирдарё, Бекобод, Гурлан районларининг шоликорлари катта ғалабага эришдилар.

Энг йирик, ихтисослаштирилган «Сирдарьинский», «Хонқа», «Қизилровот», «Қораўзак» совхозларида, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозида шолидан мўл ҳосил етиштирилди. Бу хўжаликлар давлат топшириқларини анча ошириб адо этдилар ва ўз социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Механизациядан кенг фойдаланилди, бу эса қисқа ва энг яхши агротехника муддатларида шоли экишга, уруғни далага бир текис сепишга ёрдам берди, шолининг янги серҳосил ва тезпишар навларн экилганлиги, минерал ўғитлар ва сувдан тўғри фойдаланилганлиги кўпгина бригадаларга юқори ҳосил етиштириш имконини берди.

Республикада Тошкент областидаги «Полярная звезда» колхозидан Николай Ким ва Иннокентий Цой, «Майёб» совхозидан Отан Муҳиддинов, «Сирдарьинский» совхозидан Пётр Ан, «Равшан» совхозидан Александр Де сингари ва йил сайин ҳар гектаридан 35 центнер ва бундан ҳам кўпроқ хирмон қўтараётган ўнлаб бошқа ана шундай ажойиб миришкор шоликор кадрлар етишди, Хоразм областидаги «Коммунизм» колхозининг Ан Син Гин бошлиқ бригадаси эса 130 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 70 центнер шоли олди.

Ўзбекистон шоликорлари КПСС XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, шоли янчишни тамомладилар ва келгуси йил ҳосилига тайёргарлик кўриш ишларини кенг авж олдириб юбордилар.

Республикада шоликорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Эндиликда шоликорлик йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Келгуси йилда шоли экиш учун етти минг гектар янги очилган қўриқ ажратилади, шоли етиштириш эса бир йил ичида 30 минг тоннадан кўпроқ ортади.

Қорақалпоғистон АССРда шоликорлик айниқса тез ривож топади. Бу ерда келгуси йилда 43,5 минг тонна шоли етиштирилиши керак. Республиканинг бошқа областларида ҳам шоликорликни ривожлантиришнинг катта программаси белгиланди. Сурхондарё области территориясида Амударё этакларида янги хўжаликлар ташкил қилиш ҳисобига 1970 йилга бориб, ана шу қимматли экин майдони 10 минг гектардан ошади, шоли ҳосили эса 30 минг тоннага етказилади. Тошкент, Сирдарё ва бошқа бир қанча областларда экин майдонларини кенгайтириш юзасидан катта ишлар қилинади. Экин майдонларини кенгайтириш билан бир қаторда ҳосилдорликни оширишга ҳам катта эътибор берилади.

Келгуси беш йилликда шоликор совхозларда сув хўжалиги ва капитал қурилиш учун кўп миқдорда маблағ ажратиш кўзда тутилади.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси Ўзбекистонни шоли етиштирувчи йирик базага айлантириш ва беш йилликнинг охирига бориб, шоли ҳосилини 250 минг тоннага, давлат харид қиладиган шоли миқдорини эса 220 минг тоннага етказиш имконини беради. (ЎзТАГ).



ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида меҳнаткашлар депутатлари Советлари халқ хўжалигига раҳбарликни яхшилашда катта роль ўйнашлари керак, деб кўрсатиб ўтилди. Бу табиийдир, чунки Советлар В. И. Ленин таъкидлаганидек, бутун давлат ҳокимиятининг, бутун давлат аппаратининг доимий ва бирдан-бир негизидирлар. Советларнинг характерли хусусияти шундаки, улар давлат ташкилоти билан жамоат ташкилотини ўзларида гармоник тарзда мужассамлаштирадилар.

КПСС Программасида айтиладики, Советлар давлат ташкилоти билан жамоат ташкилотининг фаолиятларини ўзларида уйғунлаштириб, ўз фаолиятида омма кенг миқёсда ва бевосита иштирок этаётган жамоат ташкилотлари бўлиб тобора кўпроқ майдонга чиқмоқдалар. Айрим авторлар Программадаги ана шу қоидани баён этар эканлар, асосий эътиборни Советлар ташкилоти ва фаолиятининг ижтимоий томонига қаратмоқдалар, шу билан бирга Советлар ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ўртасида жиддий тафовут йўқ, деб таъкидламоқдалар. Советларнинг давлат жиҳати тўғрисида эса юзаки фикр юритмоқдалар.

Программада баён қилинган қоидани бу тариқа талқин этиш фикримизча, бир томонламадир ва у, Советларнинг давлат органлари сифатидаги ролини истар-истамас камситади. Шуни назарда тутиш керакки, Советлар Ленинниг таъбири билан айтганда, аввало давлат органлари, «тўла ҳуқуқли, ҳал қилувчи» органлардир.

Советлар давлат ташкилотлари сифатида қонун ва қарорлар қабул қиладилар. Бу қонун ва қарорларни барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва гражданлар бажаришга мажбурдирлар.

Советлар қабул қиладиган ҳужжатларнинг узига хослиги шундаки, улар ҳуқуқий, яъни мажбурий характерга эга. Ваҳолонки, жамоат ташкилотлари қабул этадиган ҳужжатлар мажбурий характерга эга эмас ва юридик жиҳатдан бундай характерга эга бўлолмайди. Советларнинг давлат ташкилоти ва жамоат ташкилоти сифатида меҳнаткашларнинг бошқа барча оммавий-жамоат ташкилотларидан тубли фарқи мана шунда.

Коммунизм қурилиши даврида Советларнинг роли ва аҳамияти беқиёс ортади. Давлатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида унинг олдига қўйилаётган тарихий вазифалар Советларнинг ролини оширишни тақозо қилади. Бизнинг давлатимиз эндилика коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишни, социалистик муносабатларни ривожлантириб, коммунистик муносабатларга айлантиришни, янги инсонни тарбиялашни таъминламоғи керак. Бу вазифаларни амалга оширишда Советларнинг роли каттадир.

Бироқ, КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1964 йил) Пленумига қадар ҳўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал қилишда Советлар эга бўлган ана шу имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмади, бунинг устига уларнинг роли анча камситилди.

Совет органларини ишлаб чиқариш принципи деб аталган принципда қайта қуриш орқасида Советлар аслини олганда ҳўжалик ва маданий қурилишга актив равишда таъсир ўтказиш имконияти-дан маҳрум бўлиб қолдилар.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1964 йил) Пленуми ёзма қўйилган хатоларни тузатди. Советлар эндиликда ўз территориясидаги бутун ҳўжалик ва маданий ҳаётнинг ташкилотчилари бўлмоқдаи, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳақида ғамхўрлик кўрсатмоқлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қабул этган қарорлар маҳаллий Советларнинг ишини яхшилашга, уларнинг ролини оширишни талаб қилади. Советларнинг ролини ошириш уларнинг чинакам тўла ҳуқуқлилигини сўзда эмас, балки амалда турмушга тадбиқ этишни талаб қилади.

Маҳаллий Советларнинг тўла ҳуқуқлилиги: улар бирон бир, ҳатто энг муҳим участка билан ўз фаолиятларини чеклаб қўйишлари мумкин эмас ва чеклаб қўймай, балки давлат ҳокимияти органлари сифатида ўз территорияларидаги ҳамма ишларни ҳал этишга таъсир кўрсатмоқлари лозим, демакдир.

Саноат корхоналари ва қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг иши учун, уй-жой, маданий-маиший ва йўл қурилишини ташкил этишда Советларнинг фаолиятини кенгайтириш ва жавобгарлигини оширишни ҳаёт, коммунистик қурилиш практикаси қатъий талаб этмоқда. Саноат корхоналари ва қурилишларнинг ишида маҳаллий Советлар ҳамда уларнинг доимий комиссиялари ва ижрокомларнинг ёрдами билан муваффақиятли ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар озмунча эмас. Корхона ва қурилишларга планни бажаришда, маҳсулот сифатини оширишда, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлашда, меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя қилишда, ишчи ва хизматчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйишда ва шу кабиларда Советлар жуда катта ёрдам кўрсатишлари лозим. Лекин баъзан бунинг акси бўлади. Чунончи, «Ташсельмаш» заводида шу йилнинг етти ойи ичида 1.143 киши ишга қабул қилинган ва 1.219 киши ишдан бўшатилган.

Ишчилар орасида қўнимсизлик ва меҳнат интизомининг бузилиши сабабларини ўрганиш шуни кўрсатадики, завод маъмурияти ишчи ва хизматчиларнинг уй-жой, маиший шароитларини яхшилашга, болалар боғча ва ясслилари қўришга етарли эътибор бермаяпти, корхонада сиёсий-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаган.

Куйбишев район ва Тошкент шаҳар Советлари, Уларнинг ижрокомлари ҳамда саноат ва қурилиш бўйича доимий комиссиялари республикадаги ана шу йирик корхонага бу камчиликларни бартараф этишда зарур ёрдам кўрсата олмаётирлар.

Маҳаллий саноат корхоналарининг иш фаолияти учун маҳаллий Советлар бевосита жавобгардирлар. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларига биноан кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи маҳаллий саноат корхоналари ҳозирги вақтда маҳаллий Советларнинг қарамогига қайтариб берилаяпти.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети кўрсатмасига мувофиқ ҳўжалик ва маданий қурилиш масалаларини иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига ҳал этиш учун қўшимча равишда топширилди. Шу кўрсатмага биноан планлаштириш, капитал қурилиш, пул билан таъминлаш, меҳнат, иш ҳақи ва бошқа бир қанча масалаларни ҳал этиш соҳасида иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқлари анча кенгайтирилди.

Совет давлат қурилиши тажрибасидан маълумки, иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқлари кенгайиши билан айни бир вақтда маҳаллий Советларнинг ҳуқуқлари ҳам кенгаяди. Иттифоқдош республикаларнинг олий органлари маҳаллий Советларнинг ваколатини кенгайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилмоқдалар. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисида ҳаёт тақозо этаётган ва илмий жиҳатдан асосланган тадбирларни ишлаб чиқиш ва республикамизда тегишли қонун ҳужжатлар қабул қилиш учун юрист-олимлар, экономистлар, совет органларининг практик ходимлари куч-ғайрати бирлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу билан бирга, маҳаллий Советлар конституцияда, ҳўжалик ва маданий қурилиш соҳасида қабул этилган бошқа қонун-ҳужжатларида битилган ўз ҳуқуқларидан тўлароқ ва кенгроқ фойдаланмоқлари керак.

Кўпинча шундай бўладики, ижроком партия органи билан бирга муайян масалалар юзасидан қўшма қарор қабул қилади. Эҳтимол, халқ хўжалиги ва маданият масалалари юзасидан қўшма ҳужжатлар қабул қилиш зарурдир. Бироқ, бундай ҳужжатларни кўплаб қабул қилаверии совет органлари ўз ваколатларининг доирасини торайтиради, ишчанлик ва ташаббусни сўндиради, раҳбарларнинг ўз зиммаларига масъулият олишни истамаётганликлари, муҳим масалаларни мустақил ҳал этишдан ўзларини четга тортаётганликларидан далолат беради. Партия органлари эса маҳаллий Советларнинг ижрокомларига ёрдам беришни истаб, уларнинг вазифаларини ўз зиммаларига оладилар. Партия органлари билан совет органлари ўртасидаги бу хил муносабатлар Советларга партия раҳбарлигининг ленинча принципларига тўғри келмайди.

Партия органлари — сиёсий раҳбарлик органларидир. Улар совет органларининг мустақиллиги ва ташаббусини бутун чоралар билан ривожлантиришлари, топширилган вазифаларни адо этишда Советларнинг жавобгарлигини оширишлари керак.

В. И. Ленин шундай деб таълим берган эди: Партия билан Совет ҳокимиятининг функцияларини аниқроқ белгилаб олиш зарур; совет ходимлари ва совет муассасаларининг масъулияти ва мустақиллигини ошириш, барча давлат органларининг ишига ҳозирги вақтда бўлганидек, тез-тез, комунтазам, кўпинча майда-чўйдаларга ҳаддан ташқари аралаша бериш эмас, балки умумий раҳбарлик қилишни партиянинг зиммасида қолдириш керак. Маҳаллий Советлар ишига Ленинниг ана шу кўрсатмаларига биноан, партиянинг талабларига амал қилиб, тўғри раҳбарлик қилаётган партия органлари бизнинг республикамизда оз эмас. Хоразм область, Янгиариқ район партия комитети, Тошкент область партия комитети ва бошқа кўпгина партия комитетларининг иши Советларга чинакам ва моҳирона партиявий раҳбарлик намунаси бўла олади.

Бироқ, бизда шундай партия комитетлари ҳам борки, улар Советларнинг ўрнини алмаштириб, майда-чуйда ишлар билан шуғулланмоқдалар. Маъмуриятчилик, майда-чуйда ишларга аралашиш ва Советлар ҳамда уларнинг ижрокомларининг ўрнини айирбошлаш практикасига батамом барҳам бериш керак.

Советларга партиявий раҳбарликни амалга оширишда Советлар ва уларнинг ижрокомларидаги коммунист депутатлардан иборат партия группалари муҳим аҳамиятга эгадир. Бу группаларнинг вазифаси партиясизлар орасида партиявий таъсирни кучайтириш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, бюрократизм ва саёзлорликка қарши кураш олиб бориш, партия ҳамда совет органлари директиваларининг ижросини текширишдан иборат.

Ижрокомлар Советларнинг ижрочи ва фармойиш чиқарувчи органларидир. Шунинг учун ҳам Советлар томонидан чиқарилган барча қарорлар ижрокомлар томонидан сўзсиз бажарилишига эришиш керак. Бироқ, бунинг ўзи ҳам кифоя қилмайди. Советлар ўз ишларини демократик централизмнинг ленинча принципи асосида амалга ошира бориб, умумдавлат манфаатлари билан маҳаллий ташкилотлар манфаатларини узвий тарзда бир-бирига уйғунлаштирадилар. Шу муносабат билан улар партия ва ҳукумат директивасини амалга ошириш масаласида ҳам ижрокомлар, уларнинг бўлим ҳамда бошқармаларининг иши устидан контроллик қилиб бормоқлари керак.

Советларнинг ишига оммани жалб этишда доимий комиссияларнинг роли гоят каттадир. Ўзбекистон ССРда маҳаллий Советларнинг доимий ишловчи 8.700 та комиссияси туэилган. Бу комиссияларда 63 мингдан кўпроқ депутат ишлаб турибди. КПСС Программасига биноан, Советлар доимий комиссияларининг ҳуқуқлари анчагина кенгайтирилган. Ҳозирги вақтда ижрокомлар бўлимлари ва бошқармаларининг вакилатига қиладиган масалаларнинг тобора кўпроқ қисми аста-секин доимий комиссияларнинг қарамоғи ва ҳал этиши учун топширилиши зарур.

Оммавий-ташкилий ишларнинг янгидан-янги формалари пайдо бўлаётганлиги Советларнинг ҳозирги шароитдаги фаолиятига хос хусусиятдир. Чунончи, кейинги вақтда ижрокомларнинг мажлисларини корхоналар, колхоз-совхозларда ўтказиш тартиби қўлланиляпти. Бу мажлисларда қўйиладиган масалаларни муҳокама қилишда меҳнаткашлар оммаси актив қатнашяпти.

Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларнинг фаолиятида жамоатчилик асослари кенг тус олияпти. Жамоатчилик асосларида ишловчи ижроком бўлимлари, штатсиз ижроком раис ўринбосарлари, инструкторлар, хотин-қизлар советлари, медицина ва болалар муассасаларига ёрдам советлари ва бошқалар шулар жумласига киради. Советлар давлат масалаларини ҳал этишга меҳнаткашлар кенг оммасини ана шу бўлимлар орқали жалб этмоқдалар.

Коллективчилик — совет органларининг нормал ишлаши учун энг зарур шарт. Советлар ўз табиати эътибори билан коллегиал органлардир. Совет сессияларида, ижрокомлар мажлисларида муҳокама қилинадиган масалалар биргаликда, коллегиал ҳал этилади. Бу эса Совет органларига ҳар бир масалага объектив баҳо бериш имконини туғдиради. Бироқ сессияларни ўтказишда расмиятчилик ва юзакиликка ҳали бизда барҳам берилган эмас. Масалаларни ишчанлик билан муҳокама қилиш ўрнига, мақтовдан иборат ҳисоботлар бўлади. Баъзи ижроком раҳбарлари сессиядаги ижроком тақдим этаётган қарор лойиҳаларини расмий жиҳатдан маъқуллаш учун эмас, балки муҳокама қилинаётган масалаларни пухта ва ҳар тарафлама қараб чиқиш учун чақирилажагини эсдан чиқариб қўяётирлар. Советларнинг сессиялари, ижрокомларнинг мажлислари юксак уюшқоқлик, ишчанлик ва конкретлилик билан ажралиб туриши керак.

Советларнинг ролини ошириш, уларнинг омма билан алоқасини янада мустаҳкамлаш ҳаётнинг, коммунистик қурилишнинг энг муҳим талаби.

А. МИХАЙЛОВ,

Тошкент Олий партия мактаби партия ва совет қурилиши кафедрасининг мудири, юридик фанлар кандидати.

РАЦИОНАЛИЗАТОР

Александр Александрович Самарқанддаги «Красний двигатель» заводига ишчи бўлиб келган эди. У шогирдлик давридаёқ интизомлилиги, асбоб-ускуналар ва иш қуролларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, касб ўрганишда тиришқоқлиги билан ўртоқлари орасида обрў қозонди. Тез орада токарлик ҳунарини эгаллаб олди. Аввал заводнинг учинчи механика цехида токарь, сўнгра эса созловчи бўлиб ишлади.

Илғор токарлар ва мастерларнинг тажрибасини қунт билан ўрганди. Техника ва станокларнинг «тил»ини мукаммал билиб олди. Қимматли таклифлари билан завод рационализаторлари ўртасида ном чиқарди. Шундан кейин асбобсозлик цехига мастер бўлиб ўтди. У меҳнат ва ҳаёт мактабида тобланди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Самарқанддаги кечки машинасозлик техникумини битирди. 1957 йил бошида асбобсозлик цехига бошлиқ қилиб кўтарилди. Ўртоқ Жуков қарийб тўққиз йилдан бери шу катта цехга раҳбарлик қиляпти.

Александр Александровичнинг кўплаб таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилган, заводга минг-минг сўмлаб фойда келтирган. Бир вақтлари бешинчи механика цехида тайёрланаётган трактор гильзаларининг талайгина қисми брак бўлар эди. Бракни йўқотиш А. Жуков билан механика бўлимининг конструктори М. Васильев зиммасига юклатилди. Новатор билан конструктор шу ҳақда кўп ўйлашди. Изланишлардан кейин бракнинг сабаблари топилди. Улар станокларнинг баъзи қисмларини такомиллаштириш керак деган фикрга келишди. Новаторларнинг фикрига завод бош инженери ҳам қўшилди. Шундай қилиб гильзаларни шлифовка қилишда йўл қўйиб келинган брак кескин камайди.

Александр Александрович завод бўйича шу йил март ойида ўтказилган рационализаторлар мусобақасида голиб чиқди. Йил бошидан бери ўнта рационализаторлик таклифини ўртага ташлади. Уларнинг бештаси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг шарофати билан 5.500 сўм фойда кўрилди.

Инженер Жуков раҳбарлик қилаётган асбобсозлик цехи заводнинг «юраги» ҳисобланади. Цех коллективи корхонанинг барча ишлаб чиқариш участкаларини узлуксиз равишда асбоб-ускуналар билан таъминлаб туради. Заводнинг қанчалик унумли ишлаши, кўп маҳсулот чиқариши ва бир меёрда ишлаши асбобсозлик цехига ҳам боғлиқ. Ана шу цех коллективининг унумли ишлаётгани туфайли завод бир неча йилдан буён кўплаб фойда кўрмоқда.

— Асбобсозлик цехи коллективи, — дейди ўртоқ Жуков, — кучли станоклар ва машиналардан унумли фойдаланиб, яхши натижаларга эришмоқда. Етти йиллик планни корхонада биринчи бўлиб бажардик. Коллективимиз июнь ойидан бери 1966 йил ҳисобига маҳсулот беряпти.

Л. ЭРГАШЕВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.



ИЖОДИЙ ТАШАББУСКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИНИНГ ҚАРОРИ

СССР Олий Советининг еттинчи сессияси СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги планини қабул қилганлиги муносабати билан ВЦСПС Президиуми касаба союз ташкилотларининг вазифалари тўғрисида қарор қабул қилди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилги планини амалга ошириш учун, деб таъкидланади қарорда, касаба союз ташкилотлари ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги ва активлигини кучайтириш талаб этилади.

ВЦСПС Президиуми касаба союзлари советлари ва комитетларига СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 йилга мўлжалланган планида белгиланган тадбирларни ишчи ва хизматчиларга кенг тушунтириб беришни топширди. Бу планни бажариш учун резерварлни қидириб топиш ва улардан тўлароқ фойдаланиш, халқ хўжалигига зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ишчи ва хизматчиларнинг нуч-ғайратларини сафарбар қилмоқ лозим.

Касаба союз советлари ва комитетлари, дейилади қарорда, социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари, бу мусобақани янги техникани жорий қилишга, ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириш ва ўзлаштиришга, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ва маданиятини оширишга қаратишлари лозим. Маҳсулот сифатини яхшилаш учун умумхалқ курашини уюштириш зарур.

ВЦСПС касаба союз ташкилотларини, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишловчи ишчиларни, инженер-техник ходимларни ва хизматчиларни беш йилликнинг биринчи йили бўлган 1966 йил планини, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди шарафига олинган юксак мажбуриятларни бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга даъват этди. (ТАСС).

ҚУРИЛИШИМИЗ МАРДУ МАЙДОНЛАРИ

ЧЎҚҚИЛАР

Кекса Чотқол ва Қураманинг қумушранг чўққилари унинг салобатли гавдасини тағин ҳам улуғворроқ, сеҳрлироқ қилиб кўрсатади. Баҳайбат қояларнинг ўркач-ўркач пилланоялари йиллар, асрлар қолдирган қўҳна излар янглиғ ўзида қайдайдир сир-асрорни яшириб жимлик дунёсида мудрайди. Бу жимликни икки тоғни қиличдек кесиб оқаётган дарёгина бузади. У ўз тўлқинлари билан қоялар пойдеворини силкитиб ўтар, тоғлар бағридаги арчаларнинг ҳамиша яшил баргчаларига нималарнидир сўйлаб берар, қирғоқлардаги тошларга марварид инжулар пуркаб тегишиб оқарди. Унинг ҳислати фақат бугина эмас. У олам гўзаллигига тағин ҳам гўзаллик киритиб оқади. Ҳаётнинг жўшқинлигидан хабар бериб ҳайқириб, энтикиб оқади.

... 1955 йил. Худди шу йили мана шу ҳамиша уйғоқ азим дарё бўйида мўъжизакор ишлар бошланиб кетди. Бу азалий тупроқ ўзи бунёдга келгандан буён кўксида бунчалик улуғвор ўзгаришларнинг шоҳиди бўлолмагандир.

Ишлар қўлами катта эди. Одамлар ана шунда бу хосиятли кори хайрни «Катта Оҳангарон қурилишлари» деб атадилар. Катта Оҳангарон қурилишларига бутун бошли янги шаҳар барпо этиш, улкан Оҳангарон ГРЭСининг қудратли турбиналарини ҳаракатга келтириш, кўмир конларида тағин ҳам кенгроқ иш фронтини очиш каби катта куч ва заковат талаб ишлар кирарди. Бу ишларни бажариш осон эмас эди. Бу қурилишларга олов қалблар, бақувват билаклар, уқувли, миришкор, забардаст кишилар керак эди. Ана шундай шароитда оҳангаронлик йигит-қизлар ўз ўртоқларига, тенгдошларига — комсомол ва ёшларга мурожаат қилиб: «Келинглар, саҳоватли ишларни бунёд қилишда бизга кўмак беринглар, келганда ҳам меҳмон бўлиб эмас, биз билан ёнма-ён туриб ишлаш учун отланинглар!» деб даъват этдилар.

Бу хитобнома жуда кўпчилик ёшлар қулоғига етди. Республиканинг турли томонларидан Оҳангаронга — ёшлик шаҳрига азаматлар армияси йўл олди. Худди ана шулар билан Николай Зверев ҳам, унинг ҳозирги бригадасидаги меҳрибон дўстлари ҳам бу ерга келди. Бунгача у Олмалиқ қурилишларида ишлаган эди. Солдат шинелини ҳали ечмасданоқ ўша шаҳарда қурувчилик касбини эгаллади. Жуссадор, хушфеъл, қувноқ йигит тез орада коллективнинг ҳурматини қозонди, кўпчиликка танилди.

— Оҳангарон ГРЭСи қурилишида ишлаган йиллар романтикасини сира унутолмайман, — дейди у, — чинакам меҳнат қилиш сабогини ўша ерда олган эканман. У ер фақат мен учун эмас, балки Оҳангаронга комсомол йўлланмаси билан борган деярли ҳамма ёшлар учун катта меҳнат ва ҳаёт мактаби бўлди.

Николай Зверев жуда кўп қурилишларда иштирок қилди. Ҳамма ерда ҳам ўзининг омилкор, талабчан бинокор эканлигини кўрсатди. Бригадада, участкада, ҳатто бутун қурилишда одамларни ундан ўрнак олишга чақиришди. Тез кунда Николайга бутун бошлиқ бригадага раҳбарлик қилиш вазифасини топширишди. У ана шундан бошлаб қурувчи-монтажчиларнинг етакчиси бўлди.

— Бу вазифа мени дастлаб анча шошириб қўйди. Илгаригидан ҳам яхшироқ ишлаш керак, бунинг устига коллективга раҳбарлик қилиш керак. Чунки бутун бошли бир бригадани ишониб топширишган. Ишладик, қийинчиликларга дуч келдик, йўқ, иш юришиб кетди, — дейди бригадир. Николай Зверев мана неча йилдирки Олмалиқда ишламоқда. У шаҳарнинг каттадан-кичигига таниш, дўст, ўртоқ. Бригадага ҳозир янги кучлар қўшилди. Коллектив тағин ҳам мустаҳкамланди. Коллективда 15 киши бирлашган.

Йигитлар биргина Олмалиқда ёки Оҳангарон ГРЭСи янги шаҳар қурилишларида ишлашган эмас, улар Оҳангарон цемент заводини барпо этишда, Олмалиқ мис саралаш фабрикасининг қаддини ростлашда ва бошқа йирик қурилишларда хизмат қилишди. Ҳамма ерда ўрнак кўрсатишди, раҳмат эшитишди. Бу раҳматлар бригаданинг ўнбеш аъзосига тегишли бўлса ҳам, коллектив жонкуярларидан Алексей Андреев, Борис Жонгиров, Сотиболди Очилов, Валентин Мариновлар номини алоҳида таъкидласа арзийди.

Ҳар бир қурувчи-монтажчи бир неча касбни эгаллаб олган. Кўпчилик техникум ва институтларнинг сиртқи факультетларида ўқимоқда. Бригадирнинг ўзи эса қурилиш техникумининг учинчи курсида сабоқ оляпти. Бригада аъзоси Валентин Маринов бу йил Тошкент политехника институти кон факультетини тамомлайди. Хуллас, йигитларнинг ҳаммаси ишда ҳам, ишдан ҳам Олмалиқнинг ҳар бир гражданига ўрнак кўрсатмоқда.

Юксак меҳнат кўрсаткичи, мустаҳкам интизоми, уюшқоқлиги учун Николай Зверев бригадасига коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ва шарафли ном берилди. Бригадирнинг ўзи эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган фахрий унвонга сазовор бўлган.

Шу кунларда қаҳрамон бошлиқ бригада Олмалиқ мис эритиш заводини тезроқ ишга тушириш учун курашмоқда. Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатининг фабрикасида қўшимча қувватларни ишга солиш учун тер тўкмоқда.

— Биз шонли партиямизнинг XXIII съездини яна ҳам катта ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб оламиз, — дейди Николай Зверев. Бригадирнинг сўзи сўз. Бу ажойиб коллектив шонли съезд шарафига ўз меҳнатидан катта гулдаста тайёрлаяпти.

— Қаҳрамон бригадиримизнинг ишидан ҳурсандмиз, — дейди бошқарма партия ташкилотининг секретари Иосиф Владимирович Циройник, — унинг коллективи етти йилликка мўлжалланган топшириқни 140 процент қилиб бажарган. Ҳозир эса 1966 йил планини ҳам бажариш арафасида турибди.

Фақат Николай Зверев бригадасигина эмас, балки бутун «Алмалиқстрой» трестининг коллективи яқинда етти йилликка муддатини эгаллаганлиги ҳақида рапорт берди. Бундан ташқари трест коллективи яқинда яна бир зафарни қўлга киритди — Олтинтопган полиметалл комбинатида олтингугурт кислотаси ишлайдиган цехнинг иккинчи навбати маҳсулот бера бошлади. Бу катта ғалабада В. Родионов, Ю. Кокорин, И. Коробенко ва бошқалар бошчилик қилаётган бригадалар қаторида Н. Зверев бошлиқ коллектив азаматларининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Меҳнат шон-шуҳрати, элюртга хизмат қилиш саодати буюк тог чўққиларидан ҳам буюкроқдир.

Я. ТЎХТАЕВ.

Суратда шу бригаданинг илғор монтажчиларидан Сотиболди Очилов ва Борис Жонгировлар.

Г. Пун фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Фарғона фуран бирикмалари химия заводининг коллективи ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарди. Ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилганлиги, корхона резервларидан моҳирлик билан фойдаланилганлиги натижасида ана шу муваффақиятга эришилди.

Фарғона химиклари етти йиллиқнинг сўнгги йилида чорва моллари озуқасига қўшиладиган қимматли маҳсулот — озуқа ачитқилари, шунингдек юқори сифатли смола ва лак бўёқларнинг баъзи бир янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Корхона коллективи КПСС XXIII съезди шарафига зарбдор вахтани давом эттириб, йил охиригача ватанга бир неча юз минг сўмлик пландан ташқари маҳсулот беришга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

Хатларнинг ҳаммаси бўлимларга чиқарилди. Қуйида кечаги почта материалларидан баъзиларини ўқийсиз.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

САМАРҚАНД («Совет Ўзбекистони» мухбири). Тамаки — ферментация фабрикаси коллективи КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, йиллик планни муддатидан олдин оширди. Съезд олди меҳнат вахтасида туриб ишлаётган фабрика коллективи йил охиригача қўшимча 770 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

МАРҲАМАТ

Урганч шаҳрида «Оптика» магазини ишга туширилди. Магазин ҳар хил кўз ойнакларга буюртма қабул қилиб, уни қисқа муддат ичида тайёрлаб бермоқда.

К. ИБРОҲИМОВ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАН — 105 ПРОЦЕНТ

Аҳолига маиший-хизмат кўрсатишни тобора яхшилаб бораётган Москва районидаги маиший-хизмат кўрсатиш комбинатининг ишчи ва хизматчилари етти йиллик планни 105 процент адо этдилар. Етти йил мобайнида планда белгиланган 2 миллион 198 минг ўрнига 2 миллион 316 минг сўмлик иш бажарилди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

ҲАЛОЛЛИК

Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзоси Д. Раҳматов дам олиш куни Дмитрова посёлкасида сайр қилиб юрганда асфальт йўлкада ётган қизил жилдли қоғозга кўзи тушди. У қоғозни қўлга олиб очиб қараса, унда туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ва 67 сўм пул бор экан. У гувоҳнома эгаси Ғ. Умаровни топиб, унга пул ва гувоҳномани топширди.

М. ТУРСУНБОЕВ.

ҚИЗИҚАРЛИ КЎРГАЗМА

Андижон область музейида область пахта усталарининг улкан меҳнат зафарларини ифода этувчи фотовиставка ташкил қилинди.

М. БОЛТАБОЕВ.

ОБУНАЧИЛАР РАНЖИМОҚДА

Пойтахтнинг Киров районидаги 84- алоқа бўлими ходимлари газета-журналларни обуначиларга ўз вақтида тарқатмайдилар Белинский кўчасидаги хонадонларга хизмат қилувчи почтальон В. Барина ва П. Кучер маҳаллий газеталарни ҳам обуначиларга иккинчи кун кеч элтиб берадилар.

Бу ҳақда алоқа бўлимидаги ўртоқлар бир неча марта огоҳлантирилди, лекин натижа бўлмаяпти.

С. СУЛТОНОВ.

* * *

Газетхонлардан И. Исмоилов, К. Ҳайитбоев (Урганч), Т. Убаев (Термиз), Н. Дадамирзаев (Наманган), Н. Муродов (Бойсун), С Рустамов (Қува), Э. Пўлатов, А. Бойматов (ҳарбий қисм), М Латипов (Навоий шаҳри), Б. Жабборов (Қамаши), Р. Абдужабборов (Оққўрғон) ўртоқларнинг хат-хабарларида ҳам юқоридаги каби ютуқ ва камчиликлар ҳикоя қилинади.

Совет Ўзбекистони да босилгандан кейин

«МАҲАЛЛА МУАММОСИ»

Меҳнатнашлар депутатлари Чилонзор район Совети ижроия комитети хабар қилади:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 22 октябрь сонида сайловчилар рейди рубрикаси остида босилган «Маҳалла муаммоси» сарлавҳали танқидий мақола район маҳалла комитетлари раисларининг йиғилишида муҳокама қилиниб, унда келтирилган фактлар тўғри деб топилди. Ҳозирги вақтда Домбировод ва Мевазор маҳаллаларида озиқ-овқат моллари магазинлари ишлаб турибди. 1966 йилда янги магазинлар қуриш кўзда тутилмоқда. Шаҳар «Водоканал» трести водопровод тармоғини қурляпти. 59-автобус маршрути бўйича автобуслар қатновини яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Домбировод ва Мевазор маҳаллаларини неласй йили телефонлаштириш, 964 ўринли мактаб биноси қуриш планлаштирилди. Денабрь ойида пландагига қўшимча 10 минг квадрат метр масофадаги хиёбонларга асфальт ётқизилади.

Ёзувчи Ҳамид Ғулом ижодхонасида

Лирик шеърлар

СОҲИБ ЖАМОЛ

Бир замонлар одам ташланган
Миноранинг биқинидамаи,
Қиз кўзидек милт-милт
ёшланган
«Лаби — ҳовуз» яқинидамаи.

Кутмоқдаман.
Эҳтимол, келмас
Тушларимда кўринган гўзал.
Кўнглим ширин орзу билан
маст,
Маст бўлгандай ошиқлар азал.

У гўзал ким?
Ўйлайман.
Бироқ
Ишонмассиз шоир тушига?
Шаҳар,
оқшом,
ҳар битта чироқ
Имлагандай ўз оғушига.

Ҳар бир девор узоқ қарайди
Файласуфдай
юзимга хомуш;
— Нега тушга ишондинг, —
дейди, —
Ҳақиқатни қилиб фаромуш.

Эҳ, файласуф,
эҳ, бешиқ олим,
Мендай туйсанг дил ўйноғини,
Инкор этар эдинг хаёлим
Ва ҳаётим — шеърим фарқини.

Бу зангори қасрлар, нақшлар
Рўё эмас,
тарихдир жонли.
Улар мангу илҳом бағишлар,
Шу сабабдан қалб ҳаяжонли.

Ва аҳлимиз жумбоқлар ечар.
Совуқ мози эмасдир тарих.
Кўз олдимдан курашлар кечар,
Чунки ўтли нафасдир тарих.

Биз замондан иқбол кутамиз,
Яратамиз уни қўл билан.
Тарих яшар.
Биз ҳам ўтамиз
Янги тарих, янги йўл билан.

Кутмоқдаман.
Келади ойдай
Бухоронинг жамоли бўлиб,
Мени мафтун этган чиройдай,
Ижодимнинг камоли бўлиб.

Туни билан қутирган шамол
Аста тинар,
чанглар босилар,
Балки,
ўша соҳиби-жамол
Сокин йўлдан оҳиста келар.
Балки,
келар —
қадим бинонинг
Ортидан тонг офтоби бўлиб,
Доноликда
ибн Синонинг
Заррин жилдлик китоби бўлиб.

У гўзал ким?
Шу Бухороми,
Ёки, унинг истиқболими,
Авлодларнинг бахт-иқболими,
Ёки,
фақат ўйми, рўёми?


Инсон,
ишонч — йўлдоши билан
Не бахтларга етди!
Кутаман.
Муштоқ кўнглим бардоши билан
Ўша бахтга мен ҳам етаман.

Сенга,
эзгу орзум — Бухором,
Келажагинг,
бўстонларингга,
Езмоқ учун,
балки,
бир айём
Журъат этиб,
достонларингга!

Ҳамид Ғулом — ўзбек совет адабиёти юксалишига салмоқли ҳисса қўшган ва қўшаётган талантли адибдир. Ҳ. Ғулом ўзининг жозибали ва серқирра ижоди билан кенг китобхонлар ҳурматига сазовор бўлган. Адибнинг ижодий камолотида унинг ҳозиржавоб ва ўткир журналистлиги ҳам муҳим ўрин тутади.

Ҳ. Ғуломнинг мусиқий ва оташин шеър ҳамда баллалалари замона руҳи билан жўшиб турган ҳаёт қўшиқларидир. Адибнинг «Машъал» романи китобхонлар қизиқиб ўқийдиган асарларидан бири бўлиб қолди. У драматургия соҳасида ҳам кўзга кўринарли ишлар қилди.

Ҳамид Ғулом ёзувчи ва жамоат арбоби сифатида кўпгина Шарқ мамлакатларида ҳам бўлиб, совет ва чет эл ёзувчилари ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. У ҳозир «Шарқ юлдузи» журналига муҳаррирлик қилмоқда.



ЁН ДАФТАР

Дунёда янгиликлар шу қадар кўпки, уларни эшитиш ва кўришгина кифоя эмас. Гарчанд инсон хотираси ўчмас даражада мустаҳкам бўлса ҳам, барибир, вақт шамоллари унинг ҳам бўёқларини хиралаштиради. Энг яхшиси — янгиликни дарҳол қоғозга тушириш. Бунинг учун ён дафтар — ёзувчининг доимий йўлдоши бўлиши керак.

Ён дафтар тутишга мени газетачилик, журналистика ўргатди.

Қуйида — булғур Африкага қилган навбатдаги сафарим ён дафтаридан ҳурматли ўқувчига баъзи кўчирмалар келтираман:

МАЛИ

«ЗАНГОРИ ПАРДА»

Оқшом. Қўёш сарғиш-пушти каштасини йиғиштириб кетди. Нигер дарёсига тун чўкапти. Бошларига сават қўйган қизлар уйларига кетишди. Боя у ер-бу ерда кўринган балиқчилар ҳам тўр, қармоқларини йиғиштириб, жўнаб қолишди. Соҳил, йўл бўшади.

Қорамтил осмонда ҳодулар чарақлайди.

Йўл бўйидаги яккатуп баобаб — Африканинг буюк дарахти савлат тўкиб туради.

Баобаб яқинида алланарса йилт этди. Аллаким буюк оғоч тагида тўхтаб, зажигалка ёнди, сигара чекди. Э, ҳалиги балиқчилардан-ку! Энди — елкасида қармоқ эмас, гитара. Дўнгга тўтириб, созини созлай бошлади.

Кўп ўтмади. Ёшроқ новча йигит иккита тамтамини икки биқинига босиб, кенса гитарачи ёнига келди, салом берди, чекишди, тамтамларини чертиб қўйди.

Балиқчилар ўзаро ваъдалашган бўлса керак, баобаб тагига аста-секин йиғила бошлашди. Аллаким фонар олиб келибди, баобабга осиб қўйди. Суп-адаккина саҳн ёришди. Давра қурган одамлар, ердаги тамтамлар, қўлдаги гитаралар кўринди. Созлар тамтам зарбига созланди.

Магрур куйдан атроф янгради.

Бу — озодлик куйи эди.

Уни ой, юлдузлар жим тингледи. Унга дарё қулоқ солди. Қамиш кулбалардаги одамлар уни эшитиб, жимиб қолишди.

Созлар тобора авжига чиқаверди.

Гарчанд кенса гитарачи мустамлака зулми остида ўтган азобли умрини, ёш тамтамчи эрк, бахт, севги нашидасини, бошқалар орзулар, қурашлар туғёнини, хуллас, ҳар ким ҳар хил ўй ва туйғуни куйга солиб чертган бўлса ҳам, шундай бир муштарак симфония пайдо бўлдики, уни тингланлар Малининг, бутун Африканинг озодлиги, истиқболини жон-жонларидан туйдилар.

Ниҳоят, куй «зангори парда»га кўтарилди. Африкаликлар баланд авжни «зангори парда» дейдилар.

Куй «зангори парда»дан чалинганда бутун Африка қўзғолгандай, қуёшга, бахтга, тиниқ уфқларга томон баробар собит ва салобатли қадам ташлагандай туюлди менга!..

МОДИБА КЕЙТА

Мен ва ҳамроҳим Владлен Чесноков ёзувчилар бўлсак ҳам, бизни Мали Республикасининг министри қабул қилмоқчи бўлганини эшитиб аввал сал таажжубландик.

Дарахтзордаги икки қаватли оддийгина бино олдида бизни министр кабинетининг шефи кутиб олди. Иккинчи қаватга кўтарилдик.

Коридорда Модиба Кейта кулиб қаршилади.

Баланд бўйли, барваста, кенг, тўла қорача юзли, чин маъноси билан Африка паҳлавони. Қўлларимизни катта кафтларига олиб, узоқ кўришди.

Кабинетда диванларга ўтиришимиз билан министр Совет Иттифоқига, шу жумладан Ўзбекистонга қилган сафаридан гап бошлади.

Кейтанинг хотираси бой экан. Янгиер, совхозлар, Фарҳод ГЭС, Янгийўлдаги консерва заводи, «Қизил Ўзбекистон» колхозидаги учрашувларни, айрим кишиларнинг номларини ёддан айтиб берди.

— Биз Малида социализм қурямиз, — деди министр. — Бизга Совет Шарқидаги республикаларининг, айниқса Ўзбекистоннинг тажрибаси ниҳоятда муҳим.

Модиба Кейта — кенг муҳокамали, юксак маданиятли киши. Гап мавзуси — саноат, қишлоқ хўжалиги, адабиёт ҳақида борди, министр ҳаммадан хабардор, бирорта саволимиз жавобсиз қолмади.

Кейта суҳбат охирида ўзбек халқига, янгиерликларга, ёзувчиларимизга қизғин салом топширди.

РУС ТИЛИ

Африканинг кўпгина мамлакатларида бўлдим, шаҳарларида кездим. Лекин Бомако ёшлари каби рус тилини ўрганишга ҳавасманд ёшларни бошқа мамлакат шаҳарларида кам учратдим.

Бомако — ўрта миёна шаҳар. Бир нечта обод кўчаси, битта майдони, битта бозори ва бир нечта катта-кичик кинотеатри бор. Лекин ҳамма ерда — магазин, дўконларда ҳам, бозору соҳилларда ҳам радио-транзистор. Мактаблар энди йўлга қўйиляпти. Саводсиз кишилар учун радионинг аҳамияти бебаҳо.

Бомако ёшлари радио эшитиб, Совет элчихонаси ташкил қилган рус тили курсларига қатнаб, рус сўзларини анчагина билиб олишган.

Кўчага чиқсангиз сизни ёшлар ўраб олишади. Совет Иттифоқидан келганингизни билиб, орқангиздан қолишмайди. Сиз улар билан француз тилида гаплашмоқчи бўлсангиз, улар дарҳол: «товарищ», «Москва», «хорошо» деб, рус тилидан хабардор эканликларини маълум қилишади. Рус тилини билган киши билан суҳбатлашиш уларга қувонч бағишлайди.

Мен бундан қирқ йил аввал Тошкентда рус тилини ўргана бошлаган болалик чоғларимни эслайман. Бомако болаларининг самимиятидан қувонаман. Рус тили бизни маданиятга, бахтга муяссар қилганидай, Мали ёшларининг ҳам бахтли социалистик ҳаёт қурилишида зўр мададкор бўлишига ишонаман.

СЕНЕГАЛ

ДАКАР

Ҳар қадамда Парижнинг таъсири сезилиб туради: француз, либанликлар, маҳаллий савдогарлар буткул эгаллаган расталар, магазинларда ҳам, хусусий кинотеатрларнинг асосан ўгрилар, қотиллар, яланғоч хотинлар саргузаштларидан иборат репертуарида ҳам, фақат пулдорлар қатнайдиган муҳташам пляжлар ва ойнаванд меҳмонхоналарда ҳам, америкаликлар учун махсус очилган «тунги клуб»ларда ҳам...

Оқшом. Магазинларнинг неон чироқлари ўчади. Кўлкаларга, остоналарга юлуп болалар, увада аёллар, гадойлар ёнбошлайди. Мачитлардан муаззинларнинг хазин азони эшитилади. Ҳар қадамда намозхон. Бўйраларга мук тушган озғин қора танлар...

Ресторанлар, барлар, фоҳишахоналарда эса бойваччалар пул совуради...

«Ла па» («Тинчлик») меҳмонхонасининг иккинчи қаватида, кўча томондаги хонада тураман. Қаршида — кўчанинг нариги бетида америка бари — «Версаль»... Рок-н-ролл авжда. Мастларнинг шовқинидан қулоқ битади. Эшикда — полиция, америкаликлар «ормия»ни кўриқлайди.

Аммо «Тинчлик» меҳмонхонасида тинчлик йўқ.

ЖАН БРИЕР

Дакарнинг чекка маҳаллаларидан бирида, кўримсизгина бир хоналик уйда Жан Бриер ҳузурида бўлдик. Ганти мамлакатидан, фашизм диктатураси таъқибидан қочиб, Сенегалга келган. Ўғли билан бирга туради.

Хона — ҳам ётоқ, ҳам кабинет, ҳам кутубхона.

Бриер — новча, озғин, чиройли киши. Жингалак сочига оқ оралаган. Кўзлари ғамгин. Кўзларида — ватан жудолигининг сўнмас ҳасрати...

Бриер дўсти Алексисни эслаб, тағин ҳам маъюс тортди.

Жак Алексис — Гаитининг машҳур адиби. Унинг «Жаноб қуёш» романи ва бошқа бир нечта асари Москвада рус тилида босилган.

Мен Алексис билан 1960 йилнинг сўнгги кунларида Кубада учрашган, танишган, дўстлашган эдим. Алексис Кубадан қайтиб, ватани — Гаитига борганда полиция уни қамоққа олган, қийнаган ва шундан кейин Алексис «бедарак» кетди. Худди Патрис Лумумбанинг тақдири..

Жан Бриер ана шу оташин курашчи адиб Алексисга бағишлаган шеърини ўқиб берди. Назаримда, шеър эшитмадиму магрур отилган вулқон садосини эшитдим. Шоир овозига қўшилиб тамтамлар янгради чамамда...

ҲАМШАҲАРЛАР

Сенегални тарк этадиган кунимиз Атлантик океани соҳилига, пляжга бордик. Океаннинг илиқ шўр сувида тўйиб чўмилдик. Тўлқинлар бағрида ётарканман шу яқинда чўмилаётган, бир бирига копток отиб, шўх-шўх ҳазиллашаётган руслар-нинг овозини эшитиб ҳайратда қолдим.

Ҳа, руслар!

Дарҳол қучоқлашиб саломлашдик.

Улар — беш киши, Бомакодан Дакарга учиб келган ва бугун бизни олиб кетадиган «ИЛ-18» самолётининг экипажи экан.

Қирғоқда машиналарга ўтириб, Дакар аэропортига келдик.

Суҳбат осмонда давом этди.

Экипаж аъзоларининг ҳаммаси тошкентлик учувчилар бўлиб чиқди.

Ҳамшаҳрим — биринчи пилот бомаколик шогирди — иккинчи пилотни ёнига ўтказиб, самолётни гоҳ ўзи бошқарар, гоҳ штурвални шогирдига берарди.

— Мали учувчилари яқинда самолётни мустаҳкам бошқаришади, — деди биринчи пилот.

Ахлоқ, одоб мавзуида

ГУЛ ва ТИКАН

МЕҲРИБОНЛАР

Узоқ сафарга чиққан кишилар йўл машаққатини яхши биладилар. Айниқса, автобусга тушсангиз, олис манзилга етгунча толиқиб қоласиз.

— Биродар, ҳали ёш экансиз, қариларга жой беринг, — деди автобус ҳайдовчиси Асқаров норғул йигитга қараб. Лекин ҳалиги йигит бўзрайиб ўтираверди.

— Қари бўлса нима ишим бор, автобусда ўн саккиз соат тик туришга тоқатим йўқ, — деди у дағаллик билан.

Бошқалар унга ўқрайиб қарашди. Шу пайт ҳайдовчининг навбатчи ҳамроҳи Алексей Арутунян мўйсафидга жой тайёрлаб берди.

Автобус қўзголди. Қуёш аёвсиз қизитиб, пассажирларни бетоқат қилади. Асқаров дераза-ларни очиб, шипдаги ойнани кўтариб қўйди. Шу пайт Асқаров йўл ёқасида умид билан қўл кўтарган кекса кишини кўриб қолди.

— Александр, тўхтатгин, чолни ола кетайлик, — деди у Арутунянга қараб.

— Ҳар кимга тўхтатаверасизми, — ғудирлади бояги норғул йигит. Лекин унга ҳеч ким қулоқ солмади.

— Қачондан бери автобус ҳайдайсиз? — деб сўрадик Асқаровдан.

— Саккиз йилдан бери йўлдамиз, — жавоб берди у. — Аввал Тошкент шаҳар транспортида ишлардик. Энди Бухорога-ча борамиз. Уйда, бола-чақаларимиз баъзан «Қўй шу ҳунарингни, йил бўйи йўл азобидан бўшамайсан», дейишади. Лекин, касбимизни ташлаш ҳаёлимизга ҳам келмайди. Чунки, одамларни истаган манзилига элтиб, кўнглини чоғ қилиш мароқли иш-ку...

Тошкент — Бухоро йўлида «81-26 ТШБ» номерли автобус аста силкиниб борянти. Уйдаги пассажирлар хотиржам, йўл олислигидан ҳайиқмайдилар. Чунки улар тушган автобусни меҳрибон ва дилкаш кишилар — А. Арутунян ва А. Асқаровлар ҳайдаб боришяпти.

А. АВАЗОВ,
ишчи.

САДҚАИ ИШОНЧ...

Кеч соат бешлар чамаси эди. Самарқанддан келган меҳмонлар билан бир оз сайр қилдик. Меҳмонлардан бири — қариндошим. Иккинчиси, самарқандлик дўстим Мухтор Содиқов, биринчи группа инвалиди. У Тошкентда бир-икки кун дам олиб, сўнг санаторийда даволаниш учун Қримга учмоқчи эди.

Меҳмонларнинг кетар вақти яқинлашиб, бир кун илгари самолётга билет олдик.

Билет олган кунимиз таксига тушдик. «Янги маҳалла, 12-уйга оборинг қўйсиз», — дедик шоферга. У ўрта яшар, олифтагина йигит эди. Уйимизга элтиб қўйди. Эрталаб меҳмонлар самолётга кеч қолмаслик учун ҳозир шу шофер билан гаплашиб қўя қолайлик, деб ундан тонгда келиш-келолмаслигини сўрадим.

— Ука, меҳмонларимдан бирининг кўзи ожиз, азобда сарсон бўлиб юрмасин, ўзингиз келиб аэропортга элтиб қўя қолинг, — дедим.

Шофер, майли деб, беш сўм ҳақ сўради. Пулни олгач: «Эртага азонда соат олтида дарвозангиз тагида бўламан» деб жўнаб кетди.

Уйқимиз келмай, тиқ этса дарвозага қараб ётдик. Соат олтиларга яқинлашавергач, йўлга шай бўлиб турдик. Келишилган вақтдан ўн беш, йигирма минут ўтди. Шофердан дарак йўқ. «ТНВ-15-22» номерли такси машинасининг келишидан умидимизни уздик. Лекин автобусда аэропортга етиб ҳам бўлмайди, вақт кетган. Автобус аэропортга етгунча самолёт учиб кетади.

Хуллас, меҳмонларим самолётдан қолди. Билет ҳам куйди. Биз бояги шофернинг таниш-жони соғмикин, агар ниҳоятда зарур иши чиқиб қолган бўлса, албатта келиб кечирим сўрайди, — деб кутдик.

Лекин қаёқда дейсиз? Шу кетганча у қорасини ҳам кўрсатмади!

Ҳурматли редакция! Табиийки, биз берган пулимизга ачинмаймиз. Балки биз шофер билан келишиб нотўғри қилгандирмиз. Лекин инсон ларзаси ерга урган одамга — ногирон меҳмоннинг вақтида санаторийга кетишига ёрдамлашиш ўрнига, уни сафардан қолдириб сарсон қилган такси ҳайдовчисидан нафратланамиз. Садқаи ишонч, ундай одамларга...

Мирфаёз ота МАНСУРОВ,
кекса пенсионер.

МЕҲМОН НЕГА КУТИБ ОЛИНМАДИ?

Тошкент меҳмондўст шаҳар. Бу ерга ҳар куни иттифоқимизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларидан меҳмонлар келиб туришади. Шаҳримиз кишилари уларни қучоқ очиб кутиб оладилар. Лекин...

Бузулук шаҳридаги бир танишимиз бизникига меҳмон бўлиб келишини айтиб, телеграмма юборган эди.

Лекин, меҳмон юборган телеграмма бизга, Зайнеб кўчаси, 12-уйга етиб келмади. Шу орада меҳмон поездда тушиб бизни кўп кутибди. Ниҳоят у таваккал қилиб, таксига ўтирган ва бизнинг уйни қидира бошлаган. Анча вақт сарсон-саргардон бўлиб, такси ҳайдовчига олти сўм тўлаган. Асаби бузилган...

Инсон кўнгли гулдан нозик ахир. Айниқса меҳмон кўнгли нозик нарса. Хабар беришга қарамай, кутиб олинмаган меҳмоннинг эшик қоқиши қанчалар оғир эканини ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Шундай шаҳри азимда телеграмманинг ўз адресига вақтида етиб борманганига ким ишонади, ахир. Меҳмоннинг кўнглини овлагунча, тушунтиргунча қанча овора бўлдик. Эртаси куни кечқурун почтани эшиш қоқиб, меҳмоннинг 71375 номерли телеграммасини келтирди. Меҳмон ажабланиб: «қойил», деб қўйди.

Дарҳақиқат, ҳозир кўпчилик кишилар жамоатчилик йўли билан катта ишлар қилаётган вақтда, баъзи хизматчилар давлатдан маош олиб туриб, ўз вазифаларини сидқидиллик билан бажармасликлари ажабланарли ҳол.

Ҳурматли редакция, ўта бепарволиги билан кишиларнинг алоқа хизматига ишончини бўшаштираётган ходимларни тартибга чақириб қўйилишини илтимос қиламан.

М. ЕҚУБОВ.

ДИЛ КЎЗГУСИ

ПЬЕСАДАН ПАРЧА

Шундай деб аталган янги комедияда ростгўйлик масаласи қўйилади. Одам жамиятнинг аъзоси, сила — унинг хужайраси. Томчида оftоб акс этганидек, мамлакатдаги ҳаёт ҳар бир оилада акс этади. Ҳеч ким халқ ишидан, мамлакатдаги ўзгаришлардан четда туриши мумкин эмас, аксинча, янги, коммунистик қурилишнинг жонкуяр иштирокчиси бўлиши керак. Бунинг учун эса одамнинг дили тиниқ, қўли ҳалол бўлиши шарт.

Шаҳарнинг маҳаллаларидан бирида шу ерлик инженер Темир Бадинов «Дил кўзгуси» ишлабди, бу кўзгу яқинда илубга қўйилармиш, унга рўпара бўлган кишининг дилидаги сирлари кўринармиш, бинобарин, кўзгунинг инопкаси босилса, дил тилга кириб, таржимаи-ҳолини ҳиқоя қилармиш...

Бу гапни эшитган баъзи бировлар чиндан ҳам ташвишланади, қўр босгандай тоқатсизланади.

Қуйидаги парча — шу комедиянинг бир кўриниши.

Бадиновнинг ҳовлиси. Ҳовли ўртасида, ток сўри тагига қўйилган столда Темир Темирович чизма билан банд. Унинг хотини врач Санъатхон ариқ бўйидаги кушеткада журнал ўқиб ўтирибди, қизи Интизор айвонда дазмол қиляпти.

Дам олиш куни.

Санъатхон — Ҳай, дадаси, бас қилинг энди, ошга ўннайлик, театр вақти яқинлашяпти.

Бадинов — Яна ярим соат, хоним.

Санъатхон — Дам олиш куни ҳам тинмайсиз.

Бадинов — Ўзингизчи?

Санъатхон — Медицина журналида ажойиб мақола босилибди. Ракнинг сабаби очилибди. Совет олимларининг бу масалани қойдаги ўзгаришга боғлашини америка, немис, француз олимлари тасдиқлашибди.

Бадинов — Ўша олимлар... (атайлаб пауза қилади) ўзбекларнинг палови ҳақида нима дейишибди?

Санъатхон — Темир акангиз тезроқ ннаасилар, дейишибди.

(Иккови шўх кулади. Эшик қўнғироғи жиринглайди. Интизор бориб очади. Почтальон телеграмма бериб кетади. Интизор телеграммадаги адресга кўз ташлайди).

Интизор (ҳайрон) — дада, сизга.

Бадинов — Раҳмат, қизим. (Телеграммани кўздан кечиради). Тошкентдан. Таажжуб... (ўқийди). «Тугилган кунингиз билан табриклайман. Дўстлигимизнинг эътиқод даражасига кўтарилишини орзу қиламан. Қучоқлайман. Ўпаман. Умрбод сизнинг: **Аъзамхон Самарзода».** (Елкасини қисади). Таажжуб. Хоним, менга қаранг.

Санъатхон — Қараб турибман.

Бадинов — Бу табрикномадан ҳеч нарса тушундингизми?

Санъатхон — Ҳа.

Бадинов — Нима тушундингиз?

Санъатхон — Ишга ўралашиб қолиб, сизнинг туғилган кунингизни унутиб қўйганимни тушундим. Бир бегонанинг телеграммаси эсимни киритди. Яхшиям, озгина ҳозирлигимиз бор. Интизор, қизим, дарров дастурхон тузат, холодилникдаги шампанни ол!

Интизор — Хўп, аяжон!

Бадинов — Тўхтанглар! Мен бошқа нарсани айтяпман. Телеграмма берган Самарзода ким, туғилган кунимни қаёқдан билади? Ҳай, билди ҳам дейлик. Нега амалда йўқ «дўстлик», яъни «дўстлигимиз»ни даъво қилади? Таажжуб...

Санъатхон — Нимаси таажжуб, дадаси? Самарзода — маҳалламиздая. Укпархоннинг эри. Туғилган кунингизни суриштириб билган бўлиши мумкин. Табриклабди, дўст бўлишни орзу қилибди, бунинг нимаси чанки?

Бадинов — Тўғрикуя... Аммо умрида мен билан саломлашмаган одам...

Интизор — Қизиқда, ая. Телеграммасининг тагида бир гап бўлса керак.

Бадинов — Ҳар ҳолда, ғоятда таажжуб...

(Айвондаги телефон жиринглайди, Интизор эшитади).

Интизор — Хўп, ҳозир чақираман. (Санъатхонга). Ая, сизни сўрашяпти.

Санъатхон — Ким экан?

Интизор — Укпархон опа.

Бадинов (нулади) Набрат сизга, хоним.

Санъатхон (трубкага қулоқ солади) — Эшитаман. Ҳа, мен. Эшитаман, Укпархон, нучун эсингизга тушиб қолдик? Телеграммани дейсизми? Ҳа, олдик. Раҳмат. Табриклаганг киромиз, дейсизми? (Эрига қарайди, у бош тебратади). Майликуя... аммо ишонмаётганимиз йўқ. Нега, дейсизми? Темир ака таништани ёқтирмайдилар. Аъзамхон ака боромиз, деяптилар? Келсангиз, эшигимиз очиқ. (Бадинов тагин «келмасин» ишорасини қилади). Балки, бешқа бир гал... Бугун театрга бормоқчийдик... Яхшиси, ўзимиз бир кун айтайлик. Аъзамхон ака: «Беш минутга бўлса ҳам киромиз», деяптилар...

Бадинов (бўғилади) — Ёппирай... Айт, келмасин.

Санъатхон (трубкани ёпиб, эрига) — Қандай айтаман, маҳаллачилик... (Трубкага бўшашиб) Ҳа, майли... (трубкани қўяди). Қиёматлик қўшни эмишмиз, бир-биримизни йўқлашимиз қара эмиш. Самарзода борди-келдини биринчи бошлаб бермоқчимиш.

Бадинов — Майликуя... Лекин қизғи шундаки, Укпархон эрининг қистови билан телефон қилганга ўхшайди... Тавба... Биз уларга нега керак бўлиб қолдик-а?

Санъатхон — Одам одамга керак-да, дадаси.

Бадинов — Ҳа-я... ва лекин... Хай, келсинлар, суҳбатлашайлик, шояд ҳақиқат бетидан парда кўтарилса!

(Яна телефон жиринглайди, Санъатхон қулоқ солади).

Санъатхон — Лаббай? Хўп, ҳозир. Интизор, сенга.

Интизор (эшитади) — Ким сўраётган? «Дўсти ғойибона...» Кимсиз, ахир? Мен сизни танимайман... (Дадасига) Номаълум бир йигит сизнинг туғилган кунингиз билан мени табриклаяпти. (Трубкага) Ташаккур. Аммо кимлигингизни ҳам айтинг-да! «Сир!» Бас, нотаниш одам билан гаплашмайман! (Трубканн қўяди, аммо телефон тагин жиринглайди. Интизор уни олиб, бир нафас индамай қулоқ солади, ранги оқаради, кейин магнитофонни телефонга улайди, йигитнинг сўзларини плёнкага ёзади, сўнгра трубкани секин қўяди). Овозини кимгаям ўхшатяпман... Таажжуб...

Бадинов — Ҳа, қизим, ҳаммамиз таажжубда қолдик. Охири бахайр бўлсин. (Чизмасининг устига гилоф тортади). Иш чала қолди...

Интизор — Дадажон, нега туғилган кунингизни нишонламайсиз?

Бадинов — Саволинг ажойиб, қизим. Ахир, аяинг билан, сен билан ҳар гал биргаликда ширин таом есак, ширин суҳбат қурсак, кинога-театрга борсак — шу байрам эмасми?

(Учовни дастурхон ясатиш, овқат пиширишга машғул бўлишади... Эшикда машина устма-уст сигнал беради. Тугун, сават, гулдаста кўтарган ота-бола Самарзода, Укпархон кириб келишади. Санъатхон уларни кутиб олади).

Аъзамхон — Қўй стаклаб келсак арзирди, шошиб қолдик. (Саватни Бадиновга узатади). Бу хамир учидан патир. Омонлик бўлса...

(Бадинов бир аҳволда саватни олади, кўришади. Интизор Акрамхонни шубҳаланиб кўздан кечиради. Санъатхон Укпархондан тугунни ўнгайсиз бир аҳволда олади).

Бадинов (бўшашиб) — Келинглар...

Аъзамхон — Табриклаймиз, қутлуғ бўлсин! Айтмасалар ҳам, келавердик.

Бадинов (столга таниф қилади). Қани, марҳамат. (Ҳамма ўтиради. Ўртада совунлик, жимлик).

Санъатхон — Овора бўлибсизлар...

Аъзамхон (Бадиновга ўгилни кўрсатиб) Зурёдимиз... Акрамхон... Таниб қўядилар...

Бадинов (Акрамхонга) — Ўқийсизми?

Акрамхон — Йўқ. Хизматдамиз...

Аъзамхон — Ўз қўлимда... таъминот соҳасида...

Бадинов (Акрамхонга) Армияга борганмисиз?

Аъзамхон — Ҳе, қўшни, нафасингизни совуқ қилмангей...

Бадинов — Тушунарли...

Аъзамхон — Ҳа, энди... (Устига гилоф тортилган чизма столини нўздан кочиради). Ҳордиқ куни ҳам иш экан-да, қўшни?

Бадинов — Ҳунар, ҳунардан унар...

Аъзамхон — Нима чизяптилар, агар сир бўлмаса?

Бадинов — Иш, иш, иш...

Акрамхон (дадасининг қулоғига). Ўсмоқчилаяпти, Бадиновнинг схемаси! (Бадиновга) Амаки, бир антика машина ишлабсиз, тўғрими?

Бадинов — Қанақа машина экан?

(Акрамхон гапираётганда Интизор диққат билан қулоқ солади).

Акрамхон — Телевизорга ўхшаган аппарат эмиш. Рўпара бўлган одамнинг дилидаги сирни кўрсатиб, ҳатто гапириб берармиш. Оти — «Дил кўзгуси» эмиш...

Бадинов — Бу гапни ким айтди сизга?

Акрамхон — Маҳаллада ҳамманинг оғзида шу янгилик...

Бадинов (қотиб-қотиб кулади) — «Дил кўзгуси!» Ажойиб кашф! Ҳа, қўшни, шунақа машинанинг ижод қилиниши турган гап. Лекин у қачон тайёр бўлади? Буни айтиш қийин.

Акрамхон (дадасининг қулоғига) — Тан олди.

Аъзамхон — Қўшни, ўшанақа машиналарнинг нима ҳожати бор?

Бадинов — Ҳожати шуки, виждон деб аталадиган дил булоғини ҳар қандай лойқалардан тиндиришга ёрдам тегади. Дил билан тилнинг бошқа-бошқа бўлишига хотима чекади. Баъзи одамлар эгри, ёмон, гуноҳ ишлар қилишдан, ниҳоят, астойдил қўрқадиган бўлиб қолишади. «Дил кўзгуси» — шундай бир номки, уни бир донишманд атайлаб дорига қўйганидай!

Аъзамхон (эзилади)—Қўшни, гапингиз маъқул. Бироқ дили билан тили бошқа-бошқа одамлар биттадир, иккитадир. Бу иш, яъни ҳалиги машина давлатимизнинг миллион-миллион сарфлашига арзирмикин?

Бадинов — Арзийди.

Акрамхон — Йўғе?

Бадинов — Ҳа, йигитча, арзийди. Афсуски, дили билан тили бошқа-бошқа одамлар битта-иккитагина эмас. Иосамимий кишилар ҳали кўп. Улар орамизда ўрмалаб юришибди. Улар бетимизга шундоқ қараб туриб ёлғон гапиришади. Аҳолли қизиришмайди ҳам. Уларнинг дилидагини билиш учун ягона чора — ҳалиги сиз айтган мўъжиза машина — «Дил кўзгуси!».

Аъзамхон — Муболағанинг пири бўп кетингге, қўшни!

Бадинов — Сўзимда муболаға йўқ. Е, исбот керакми?

Аъзамхон (безрайиб) Керак!

Бадинов — Бўпти. Мисол қидириб узоққа бормаймиз. Чунончи сиз...

Аъзамхон (саросимада) — Мен?

Бадинов — Ҳа, сизни мисолга оламиз. Ҳа, қўшни, сизнинг дилингиз бошқаю тилингиз бошқа.

Аъзамхон — Бўҳтон!

Бадинов — Бўҳтон эмас. Ўзингизни босинг. Даъвонинг исботига қулоқ солинг. Бугун мен сиздан телеграмма олдим. «Дўстлигимиз» ҳақида ёзибсиз. Хўш, сиз билан биз қачон, қаерда дўст бўлган одик ва бу дўстлик сизга шу кунларда нега керак бўлиб қолди?

Аъзамхон — Астағфурулло...

Бадинов — Ҳойнаҳой, биров сизга: «Дил кўзгуси» — инженер Бадиновнинг ижоди, деган. Сизни бу ерга менинг туғилган кунim эмас, балки хавотир, ҳа, ўзингиздан хавотирингиз олиб келган. Анов сават, манов тугун баҳона, сиз мендан сир олишга келгансиз. Хуллас калом, тилингизда бир гап, дилингизда бошқа ташвиш. Е, шундоқ эмасми, қўшни?

Аъзамхон — Яхшиликча ёмонлик...

Акрамхон — Хай амаки, нега дадамга туҳмат қиласиз?

Интизор (Акрамхонга) — Сиз ҳам дадангиздан қолишмайсиз.

Акрамхон — Исбот қилинг, яхши қиз!

Интизор — Буидан ярим соат илгари менга телефон қилдингизми?

Акрамхон (безбетларча) — Йўқ!

Интизор — Исбот қилсам, нима бўлади?

Акрамхон (қизишиб) — Ит бўламан, ошак бўламан!

Интизор — Катта кетдингиз.

(Интизор айвонга чиқади, магнитофон кнопкасини босади, Акрамхоннинг овози эшитилади).

Акрамхон (плёнка) — «Нега индамайсиз? Гапиринг, кўзидан! Даданғизнинг туғилган куни баҳона, бир отамлашайлик. Аҳқор бўйига чиқинг, майсада ёнбошлашамиз. Оҳ, оппоқ томогингдан ақанг айланси! Войдод!..».

(Акрамхон ирғиб ўрнидан туради, ота-онасини судрайди). Юринглар, кетдик бу даргоҳдан!

Интизор (Акрамхонга маъноли тикилади) Хўш, нима бўлдингиз?

Акрамхон (муштини кўрсатади)—Хаҳ, шошмай тур!

Укпархон (хижолатда) — Бизни авф этинглар, қўшнилар, безовта қилдик. (Ўрини кўрсатиб) Анов бу кишида...

Санъатхон — Тугунларингни олакетинглар!

(Аъзамхон, Акрамхон, Укпархон сават, тугун, гулдасталарни кўтариб чиқиб кетишади).

Кептуриглар шунақа, тугилган кунимизга!

Бадинов (маза қилиб кулади)—«Дил кўзгуси...» Қани энди, шундай бир мўъжизакор машина чиндан ҳам ихтиро этилса!..

АДАБИЁТ САҲИФАСИ

Совет Армияси ва халқ

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

Совет ёшларининг Ватан, халқ олдидаги шарафли бурчларидан бири—Совет Армияси сафларида хизмат қилишдир. Бу бурчни адо этишга отланган Ўзбекистон йигитларини СССР Қуролли кучлари сафига узатиш муваффақиятли ўтмоқда. Бу йил муносиб ўринбосарларни жўнатиш маросими ташкилий жиҳатдан пухта тайёрланди.

Партия ва комсомол ташкилотлари, совет органлари, ДОСААФ ташкилотлари армия ёшидаги йигитларни рўйхатга олиш, ҳарбий хизматни пухта бажаришга тайёрлаш борасида катта ишларни амалга оширдилар. Натижада республикамиздан Совет Армия-сига муносиб ўринбосарлар жўнатилмоқда. Буни биз армияга кетаётган ёшларнинг кўплари мутахассис кадрлар эканлигида кўрамиз. Совет Армияси сафидан ўрин олган ёшлар орасида механизаторлар, рационализаторлар, коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари, шоферлар, тракторчилар кўп.

Совет Армиясига ёшларни узатиш маросими, айниқса Хоразм, Тошкент, Андижон, Бухоро ва Сурхондарё областларида ташкилий жиҳатдан пухта ўтказилди. Чирчиқ, Олмалиқ, Навоий, Қарши, Андижон, Бухоро ва Фарғона шаҳарларининг комсомол ташкилотлари армияга жўнатиш пунктларида, корхоналарда, муассасаларда ёшлар билан ҳарбий ватанпарварлик темаларида суҳбатлар уюштирдилар, оммавий тарбиявий ишларни амалга оширдилар.

Ёшларни ҳарбий қисмларга жўнатишдан олдин ҳурматли ота-оналар, шаҳар ва район раҳбарлари, кекса ҳарбий хизматчилар ўз фарзандларига сиҳат-саломатлик, жанговар тайёргарликда муваффақият тилаш билан бирга, наказлар бермоқдалар. Тошкентда бўлган митингда Тошкент область ижроия комитетининг раиси Эркин Шайхов сўзлаб, ёшларга Ватан олдидаги бурчни совет корхона ва муассасаларида намуна кўрсатиб ишлаётган ота-она ва ака-укаларидек муваффақиятли бажаришни тилаб қолди. Ёшларни халқимиз осойишталиги ва тинчлиги йўлида жон фидо қилган оталаримизнинг муносиб ворислари бўлишга чақирди.

Совет ёшларини армия сафига жўнатишда Тошкент, Фарғона ва бошқа қатор областларнинг колхоз ва совхозлари, корхона ва муассасалари, колхоз ва совхозлар, шаҳар ва областлар бу ишга етарли эътибор беришлари ҳамда ёшларни Совет Армияси сафига жўнатишни пухта ташкил этишлари керак.

И. КУРГУЗОВ,
Ўзбекистон ССР ҳарбий комиссарияти сиёсий бўлимининг бошлиғи, полковник.


ЎРМОНЧИЛАР

Ўрмон — ўлкамиз бойлиги. Республикамизнинг тоғли зоналарида неча юз минг гектар ўрмонзорлар бор. Биргина Зомин тоғларида Жиззах ўрмончилик хўжалигига қарашли 55 минг гектар ўрмонзор мавжуд. Унинг 40 минг гектари йил-ўн икки ой кўм-кўк бўлиб турадиган арчазорлардир.

Ўрмончилар ана шу бебаҳо бойликни авайлаб асрамоқдалар, дарахтзорлар майдонини йил сайин кенгайтираётирлар. Боғишамол участкасида бундан 4-5 йил илгари ташкил этилган мевали ўрмонзор майдони ҳозир 50 гектарга етказилди. Ана шу боғдан ҳар йили давлатга тонна-тонналаб мева топширилянти. Бундан ташқари, жуда кўп миқдорда бодом, ёнғоқ ва писта тайёрланади.

Ўрмонзорлар — кўчат етиштириладиган манба ҳамдир. Ўрмончилар Мирзачўлнинг янгидан ўзлаштирилган ерларида ташкил этилган совхозларга кўплаб турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб бераётирлар.

У. ҚОРАЖОНОВ.



Сиз кўриб турган бу сурат пойтахтимизда келажакда қад кўтарадиган Олимпия шаҳридаги бинолардан бири. Архитектор Роберт Маҳмудов чизган бу лойиҳада қишки спорт зали ва ётоқхона корпуси тасвирланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

✻ РАДИО

12 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 19.00 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — концерт, 6.45 — Гимнастика, 7.30 — Эшиттиришлар программаси, 7.45 — Ота-оналар учун. 8.25 — Қўшиқлар.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53— «Ҳақиқати Ўзбекистон» газеталарининг обзори.

9.30 — «Ялла» концерти, 10.30—Шарқ куйлари, 11.10 — Экран янгиликлари, 11.25 — Концерт, 12.15 — Эрталабки салом (Москва), 13.00 — Чорвадорлар учун концерт, 13.30 — Концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 15.20 — «Хоразм қўшиғи» операсининг монтажи, 18.00 — «Ёшлик» радиостанцияси .18.40 — Қозоқ куйлари, 19.20 — Концерт, 20.00 — Эстрада концерти, 21.20 — Қишлоқ механизаторлари учун концерт. 22.00 — Дунё харитаси олдида. 22.10 — Лирика кечаси, 22.50 — Эртаги кун эшиттиришлари. 23.10 — Концерт.

13 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт, 6.45 — Гимнастика, 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 8.25 — Концерт. 9.15 — Капиталистик дунё ҳаёти. 9.30 — Енгил куйлар, 9.50 — Халқаро темада (тож.), 10.10 — Концерт (рус.), 10.30 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақс куйлари, 11.10 — «Экономика — коммунизм учун курашнинг муҳим соҳаси», 13.00 — Чорвадорлар учун. 13.40 — Қўшиқлар, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 16.00 — «Правда» газетасининг обзори, 16.15 — «Ўзбекистон композиторлари асарларида Ленин образи», 17.00 — «Юность Узбекистана» радиостанцияси, 18.10 — Қўшиқлар. 18.30 —Концерт. 19.20 — Куйлар (тат.), 20.00 — «Қорақум дарёси» (рус.), 20.10 — Совет ва чет эл композиторлари асарлари. 20.45—«Мўъжизалар оламида, 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. 22.00 — Халқаро темада. 22.10 — рақс куйлари, 22.40—Адабий эшиттириш. 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари, 23.20 — Ўзбекистон композиторлари асарларида Навоий лирикаси.

✻ ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 12.00 — **Инглиз тили** (мактабгача ёшдаги болалар учун), 12.20 — **Зумрат ва Қиммат** («Эртак кетидан эртак» циклидан).

Рус тилида: 13.00 — **Бахтли бўл, Кекец** (бадиий фильм), 14.20 —**Юқори синф ўқувчилари клуби,** 17.00 — **Ҳамма нарсани билгим келади, Қуёнча** ҳақида (болалар учун), 17.25 — **Телевизион янгиликлар,** 17.40 — **Илон овловчилар** (илмий-оммабоп фильм), 17.50 — **Реклама ва эълонлар.**

Ўзбек тилида: 17.55 — **Телевизион янгиликлар,** 18.10 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи** («Ёшлик студияси).

Рус тилида: 19.00 — **Юрак ва қўллар** (ҳужжатли фильм), 19.20 — **Концерт** (Ленинград эстрада артистлари ижросида), 20.10 — **Новости дня** киножурнали ва **Тракторчилар** номли бадиий фильм.

20.50 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.55 — **Ялла ва рақслар.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

13 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.20 — **Хўроз ва бўёқлар** (болалар учун мультфильм), 18.40 — **Спорт эшиттириши** (Совет Армияси жанговарлари учун), 19.00 — **Ишчилар ҳикояси** (ҳужжатли фильм), 19.45 — **Халқ контроли амалда.** 20.05 — **Поэзия сатрлари,** 20.35 — **Жаҳон ҳафта ичида.**

20.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.00 — **Телевизион янгиликлар,** 21.15 — **Замондош** (телеочерк), 21.35 — **Казаклар** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

✻ ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XII кундуз **Сеҳрли гилам,** кечқурун **Травиата,** 13/XII да **Подшо қайиғи.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XII да кундуз **Биринчи муҳаббат,** кечқурун **Мирзо Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XII да **Қари қиз,** 13/XII да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **«Юность» цирк коллективи, қизиқчилар группаси ва совет цирки усталарининг гастроли.**

Қулупнайзор — «МИР» (кундуз ва кечқурун). «ЧАЙКА» (кеч соат 6, 8 ва 10 да). «ДРУЖБА» (кеч 6, 8 ва 10 да).

Етти дадил — «УЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 3 да).

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

1965 йил 21 декабрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, Фанлар академияси президиумининг кичик конференц-зали)

М. Нурмуҳамедов — филология фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Қорақалпоқ совет прозасининг тараққиёт йўллари» деган темада.

Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1965 йил 22 декабрь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети юридик факультетининг илмий совети мажлисида (Комсомол кўчаси, 72-уй, акт зали)

М. Г. Икромова — юридик фанлар кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Давлат ва жамоат мулкини ўғирлик йўли билан талон-тарож қилганлик учун совет жиноят ҳуқуқи бўйича жавобгарлик» деган темада.

1965 йил 23 декабрь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ҳуқуқидаги педагогика фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича бирлашган совет мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 20-уй) педагогика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

А. Ҳўшмуҳамедов: «Тожикистон ССРда ишчи ёшлар мактабларининг 1936—1963 йилларда ташкил топиши ва ривожланиши» деган темада.

М. Раҳмонов: «Тожик ўрта мактабларида Рудакийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш» деган темада.

1965 йил 23 декабрь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети география факультетининг илмий совети мажлисида (Ленинград кўчаси, 19-уй, 111-аудитория)

Э. Б. Красносельский — география фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Қайта кристалланган кор кўкиларининг таркиб топиши ва ўпирилишининг баъзи бир шароити» деган темада.

1965 йил 23 декабрь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ҳуқуридаги химия фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй, акт зали)

Х. С. Абдуллаева — химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Баъзи органик реагентлар билан индий ва галлий ионлари орасида бўладиган рангли реакциялар ва уларнинг анализда қўлланиши» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

13 декабрь кеч соат 7 яримда Музика маданияти университети шаҳар студентлари учун 5-абонемент бўйича

«УРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ АШУЛА, МУЗИКА ВА РАҚСЛАРИ»

деган темада

ИККИНЧИ

КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ

Лектор-музикашунос **Тавур Жумаев.**

Концертда: Ўзбек давлат филармониясининг Ўзбек халқ чолғу оркестри ва торли квартети, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ва солистлар қатнашади.

Абонементлардан ташқари билетлар Эстрада театри кассасида ва райкассаларда сотилади.

ОФСЕТ ПЕЧАТЬ ФАБРИКАСИГА

теплотехник, печатниклар, печатник шогирдлари, механиклар

КЕРАК

Тошкент шаҳар. Полиграф кўчаси. 86-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

Планетамизда

Кения мустақиллигининг икки йиллиги

ДЎСТЛАРИМИЗ БАЙРАМИ

Бугун Кения халқи мустақилликка эришган кунининг икки йиллигини байрам қилмоқда. Инглиз мустамлакачиларига қарши кўп йиллар давомида олиб борилган кураш Кения халқининг жасорати ва мардлигининг далилидир. Икки йил — катта муваффақиятларга эришиш учун жуда қисқа муддатдир. Лекин шу вақт ичида Кения халқи эркин нафас олмоқда, янги ҳаёт қурмоқда.

Инглиз мустамлакачилари 1892 йилда Кенияни бутунлай мустамлака қилиб олдилар. Улар маҳаллий халқни шафқатсиз эксплуатация қилабошладилар. Серҳосил ерлар тортиб олинди. Бу ерларнинг аталари эса махсус ажратилган районларга жойлаштирилди. Европалик ҳар бир фермернинг ери маҳаллий деҳқон еридан 470 марта кўп эди. Кон ва шаҳталарда, корхона ва фермаларда 10-12 соатлаб ишлаган африкаликларнинг иш ҳақи ҳеч нарсага арзимас эди. Оқ танли ишчилар эса африкалик ишчиларга нисбатан 20 баравар кўп ҳақ олар эди. Кенияликлар ана шу жабр-зулмга қарши ўнлаб йиллар давомида тинмай курашиб келдилар. Бу кураш жараёнида, 1946 йилга келиб, ҳақиқий оммавий-сиёсий тэшкилот — африкаликлар Кениясининг миллий Иттифоқи (КАНУ) ташкил топди.

Бу партия раҳбарлигида мустамлакачиликка қарши кураш янада кучайди. Империалистлар кениялик ватанпарварларнинг миллий озодлик курашини қонга ботирди, 14 минг бегуноҳ кишини қириб ташладилар. Бутун мамлакат қамоқ лагери тусини олди.

Бироқ, халқ курашни давом эттираверди. Ниҳоят, 1963 йил 12 декабрда Кения халқи катта ғалабани қўлга киритди. Мамлакат мустақил деб эълон қилинди.

Ҳозирги вақтда мамлакат экономикасини тиклаш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини йўлга солиш, халқ турмуш даражасини кўтариш Кения давлати олдида турган биринчи даражали вазифалардир.

Ўтган йилнинг июнь ойида мамлакат экономикасини ривожлантиришнинг 1964 — 1970 йилларга мўлжалланган перспектив планининг қабул қилиниши Кения ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Олти йиллик план амалга оширилиши натижасида мамлакатда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариши 1962 йилдагига нисбатан 60 процент кўпаяди. Бунинг учун саноат корхоналари, кишлоқ хўжалик объектлари қурилади.

Кения қишлоқ хўжалик мамлакати бўлгани учун бу ерда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳукумат беш йил давомида европалик фермерлар қўлидаги бир миллион акр ерни сотиб олиб, 40 минг ерсиз деҳқон хўжаликларига тақсимлаб беришни мўлжалламоқда. 1968 йилгача 70 минг деҳқон хўжалиги ер билан таъминланади. Бундан ташқари янги ерларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда.

Совет Иттифоқи билан Кения ўртасидаги дўстона алоқалар кундан-кунга ривожланиб бормоқда. 1964 йил апрелда имзоланган Совет — Кения шартномасига мувофиқ Совет Иттифоқи Кенияда айрим қишлоқ хўжалик объектлари, тўқимачилик фабрикаси, балиқ-консерва заводи, қанд заводи қуришда техника ёрдами кўрсатади.

Кения халқининг миллий байрами кунида совет кишилари кенияликларга янги турмуш қуришда катта муваффақиятлар тилайдилар.

И. УСМОНОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ ҲАҚИДА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

ПРАГА, 10 декабрь. (ТАСС) Чехословакиянинг марказий матбуоти СССР Олий Совети сессиясининг иши тўғрисидаги катта-катта ахборотларни бугун «Ҳалқаро проблемаларни ҳал қилишда Совет Иттифоқининг янги ташаббуси», «Жаҳондаги парламентларга даъват: Американинг Вьетнамдаги агрессияси тўхтатилсин!», «Совет Иттифоқи ГФР реваншчиларни ва милитаристларини яна огоҳлантириб қўймоқда» деган сарлавҳалар билан босиб чиқарди.

БЕЛГРАД, 10 декабрь. (ТАСС). Бугун Югославиядаги марказий газеталар СССР Олий Совети сессиясининг якунлари тўғрисида ўзларининг Москвадаги мухбирлари юборган катта-катта материалларни биринчи саҳифаларда босиб чиқармоқда. Газеталар депутатларнинг саволларига жавобан СССР Олий Совети сессиясида ташқи ишлар министри А. А. Громико берган ахборотини муфассал баён қилиб бермоқда.

БУДАПЕШТ, 10 декабрь. (ТАСС). СССР Олий Совети сессиясининг якунлари Венгрия жамоатчилигининг диққат марказида турибди. «Непсабадшаг» ташқи ишлар министри А. А. Громикоининг ташқи сиёсат масалаларига бағишланган ахборотини, «Америкаининг Вьетнамдаги агрессияси оқибатида ҳалқаро аҳвол кескинлашиб қолди» деган сарлавҳа билан баён қилади. АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси муносабати билан СССР Олий Советининг баёнотини ҳамма газеталар босиб чиқарди.

ВАРШАВА, 10 декабрь. (ТАСС). Польша газеталари СССР Олий Совети сессиясининг якунларини кенг равишда ёритмоқда. «Жиче Варшавы» газетаси СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикоининг ахборотини ҳусусида ўз мухбири ёзган шарҳни эълон қилди. Шарҳда бундай дейилади: чет эллик журналистлар бу ахборотни ўзаро кенг муҳокама қилмоқдалар, ахборот қатъиятқорлик руҳи билан сугорилганини ва Ғарбий Германиянинг реваншчилик талабларига нисбатан Совет ҳукумати қаттиқ позицияда турганини таъкидламоқдалар. Газетанинг фикрича, А. А. Громикоининг нутқи ғарбдаги кўп арбобларни бош қотиришга мажбур қилиб қўяди.

СОФИЯ, 10 декабрь. (ТАСС). Бугун матбуот сессия тамом бўлгани тўғрисидаги ахборотларни босиб чиқарди, қабул қилинган қонунлардан, депутатларнинг саволларига жавоблари А. А. Громикоининг берган ахборотидан газетхонларни хабардор қилди.

БЕРЛИН, 10 декабрь. (ТАСС). СССР Олий Советининг тамом бўлган сессияси ГДР матбуотининг диққат марказида турибди. Газеталар сессияда қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги хабарларни биринчи саҳифаларда босиб чиқармоқда. СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ахборотини баён қилмоқда. «Нейес дейчланд» газетаси ана шу ахборотнинг баёнини «Бонннинг реваншчилик йўли — халқларга ошкора дардага қилишдир» деган сарлавҳа билан эълон қилди. Газета, шунингдек СССР Олий Совети АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясини қатъиян қоралаганлиги ҳамда ана шу агрессияга чек қўйиш учун зарур чораларни кўришга чақирувчи оташин даъват билан бутун дунё парламентлари ва ҳукуматларига мурожаат қилганлиги тўғрисидаги хабарни босиб чиқарди.

МАРТИН БОРМАН ТИРИКМИ?

Урушдан сўнг бош фашист жиноятчилардан бири Мартин Борманнинг сирли равишда ғойиб бўлиб қолиши йигирма йилдан буён кўп кишиларни ҳаяжонлантирмоқда. Қонҳўр жаллод, Фюрер партия идорасининг шефини сиртмоқ кутмоқда. Маълумки, Нюрнберг трибуналн Борманни осиб ўлдиришга ҳукм қилган.

Яқинда Ғарбий Германияда чиқадиган «Штерн» журнали бир репортаж босиб чиқарди. Бу репортажда гувоҳларнинг гапларига асосланиб, гўё Борман 1945 йил иккинчи майдаёқ Берлин кўчаларидан бирида тасодифан ўлдирилганлигини исботлашга уринилади.

Ҳозир бу ерда янги фактлар маълум бўлиб қолди. Франкфурт-Майн шаҳрининг бош прокурори Фриц Бауэр, ўзининг қўлидаги материалларга қараганда, Борман тириклигини ва у Аргентинада эканлигини айтди. Боннда Буэнос-Айрес олий судининг катта лавозимдаги чиновникларидан бири Боффи Боггеро яқинда бу ерда Гитлернинг ўринбосарини ғарбий герман маъмурлари қўлига топшириш тўғрисида махфий музокара олиб борди, деган миш-мишлар зўр бериб тарқатилмоқда.

«Франкфуртер рундшау» газетасида босилган интервьюда Бауэр бундан ташқари яна Исроилда осиб ўлдирилган фашист жаллоди Адольф Эйхманнинг ўғли Франкфурт прокурорига ёзган хатни далил қилиб келтиради. Хатнинг бош қотиришга мажбур қилиб қўяди.

Борманни топшириш тўғрисида Аргентина — Бонн музокаралари ҳақидаги миш-мишлар муносабати билан мен юстиция министрлигига телефон қилдим.

— Сабр қилинг, — дейишди менга министрликдагилар, — тез орада бу ҳақда расмий ахборот эълон қилинади.

Э. МНАЦАКАНОВ.
Бонн, декабрь.
(АПН).

ҲИНДИСТОН УСТИДА ДОВУЛ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг ғарбий соҳилида бўлиб ўтган довул кўпгина кишилар ёстиғини қуритди, Керала штати аҳолисига жуда катта моддий зарар етказди. Газеталарнинг хабар беришига кўра, довул бошланмасдан илгари Алеппи портидан денгизга чиққан 11 балиқ овлаш кемаси шу вақтгача қайтиб келган эмас. Кемалардаги 70 кишининг тақдири номаълум. Яна 13 кеманинг лангарини тўлқин узиб кетди ва порт яқинида сувга ботиб, кемалардаги 12 кишидан 5 киши қутқариб қолинди. Саккизта балиқ овлаш кемаси Калиқутда (Керала штати) қирғоққа урилиб, мажақланиб кетди. Эрнакулама районида океан соҳилидаги 600 га яқин бинони кучли тўлқин ювиб кетди.

(ТАСС).

ОБ-ҲАВО

Бугун республикамизда ҳаво очиқ бўлади. Шарқдан секундига 3-7 метр тезликда, кучсиз шамол эсиб туради. Иссиқлик 8-13 даража, жанубда эса 17 даражагача етади.

Тошкентда ҳаво очиқ бўлиб, 11-13 даража иссиқ бўлади.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

Ободончилик

Бағдод районидаги Большевик колхози қишлоғи бош план асосида қайта қурилмоқда.

Шу йилнинг ўзида колхоз қишлоғида 37 оила янги қурилган типовой уйларга кўчиб кирди. Яқинда бу ерда мукаммал жиҳозланган операция залн ва туғруқхонаси бўлган янги касалхона фойдаланишга топширилди. Касалхонада медицина ходимларидан 30 киши беморларга хизмат қиляпти. Бундан ташқари, қишлоқ марказида янги қурилган 800 кишилик клуб ҳам фойдаланишга берилди. Ҳозир ўрта мактаб ва 1000 кишилик кинотеатр бинолари қуриляпти.

Т. МАҲМУДОВ.

Кўрик

Куни-кеча Тошкентдаги пойафзалчилар саройида Ўзбекистон ССР кўрлар жамияти бадиий ҳаваскорларининг учинчи кўриги бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар 1-ишлаб чиқариш комбинати коллективининг Ўзбек рус хор группалари, Самарқанд чўтка фабрикаси, рус хотин-қизлар ансамбли, Андижон, Тошкент чўтка фабрикаси ва Ўзбек инструментал ансамбли коллективлари биринчи мукофотни олишга сазовор бўлдилар.

А. РАҲИМОВ.

СУД ЗАЛИДАН

БЕҲАЁ

Андижон шаҳар халқ судининг қора стулида ҳусндор аёл ўтирибди. Наҳотки шу аёл жиноят қилган бўлса? Суд раиси Саодат Охуновага савол-лар беради:

— Нега сиз, ҳеч қаерда ишламайсиз?

Бу саволга Саодат безрайиб жавоб беради:

— Беш болам бор, мени ишга ким олади.

— Қандай қилиб ҳаёт кечиряпсиз?

Саодатнинг ранглари қизариб, жим бўлиб қолади.

— Ширия тил, яхши хулқли бўлсангиз ҳамма сизга нон беради, — дейди Саодат.

Саодат Охунова ҳақиқатан «хушмуомала», «ширин сўз», бир минутда 10 марта ўзгарадиган аёл. Мана, шу ширин сўзи билан намангланлик Қаноатхон Насриддинова деган аёлнинг икки дона олтин билак узугини ва 2 дона олтин узугини қўлига тақиб олди:

— Опа бу олтин буюмларни сотсак қандай бўларкин, ўрнига бошқа нарса оламиз.

Содда аёл лаққа тушиб Саодатнинг айтганига кўнди. «Синтил» тушмагур олтин буюмларни бозорга олиб бориб 416 сўмга пуллади-ю, Тошкентга қочиб келди. Бу ерда Тўхтахон Тожибоевани қўлга тушириб 110 сўмлик марваридини пуллаётганда қўлга тушди. Тергов вақтида Саодат Наманган шаҳрида яна Раҳбархон Низомова деган аёлни 120 сўмга туширганини ҳам айтиб берди.

Қайси йўл биландир суд жавобгарлигидан қутулиб кетган. Саодат яна Наманганга сайр қилиб бориб, Ўғилхон Отажоновани авраб, ундан 150 сўм олди. Андижонга келиб у ёқ-бу ёғидан ўтиб Мунисхон Хусайнова деган аёлнинг 500 сўмини қоқиб олди.

Шу қилмишлари учун Саодат мана, қора курсида ўтирибди. Андижон шаҳар халқ суди фирибгар Саодат Охунованя 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилди.

В. МАМАЖОНОВ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: **«ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.**

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221, Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

№ 290. ИНДЕКС 64543. Р. 02500.



В. И. ЛЕНИН номидаги Тошкент Давлат университетининг тайёрлов бўлимида жаҳондаги 12 мамлакатдан келган 150 киши шуғулланмоқда. Бу ерда улар рус тили, шунингдек физика, химия, математика, биология ҳамда Совет Иттифоқининг олий ўқув юртлари ва техникумларига кириш учун зарур бўлган билимлар бўйича бошқа фанларни ўрганмоқдалар. Суратда: кенялик Пауль Кипалей ва Жож Киок (ўнгда) биология дарсида.

В. Кожевников фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).